



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, мана шундай кутлуғ кунда сиз, азизларни ва бугун халқимизни энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, Ўзимнинг энг эзгу тилаklarимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр — эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг

хоши-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бугун халқимиз тақдоран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оқсарой қароргоҳи олдида Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь куни

эса Ислом ака туғилиб вояга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилади.

Насиб этса, 2018 йил 30 январда — у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюқ тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Хурматли ватандошлар! Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш борасида бугун олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Қадрли ватандошлар! Хурматли Татьяна Ақба-ровна!

Азиз меҳмонлар! Бугун сизлар билан азим Тошкентнинг табаррук маскани — Оқсарой қароргоҳи олдида муҳим тарихий воқеа муносабати билан тўғлиниб турибмиз.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич хотирасига бағишлаб бунёд этилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этмок-дамыз.

Ислом Абдуғаниевич бутун умрини жонажон Ўзбекистонимиз учун, унинг озодлиги ва буюк келажаги учун бағишлади.

Ислом ака тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврида — миллатлараро

зиддиятлар авж олган, иқтисодий чуқур инқирозга учраб, республикаимиз жар ёқасига келиб қолган кескин ва таҳликали бир шароитда мамлакатга раҳбарлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олдилар.

Ватанимиз тарихида янги давр бошланган кун — 1991 йил 31 августда Ислом Абдуғаниевич Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилдилар ва чорак аср давомида давлатимизни изчиллик ва собитқадамлик билан бошқардилар.

Биринчи Президентимиз раҳбарлиги остида тарихан қисқа даврда юртимизда кенг қўламли таркибий ислохотлар амалга оширилди. Юқори технологияларга асосланган янги sanoat тармоқлари барпо этилди ва ривожлантирилди.

(Давоми 4-бетда.)

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган эди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқ ва марраларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан боғлайди. Ислом Каримов бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш

ёшларнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартириб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг янги принципал тизимини яратиб, уни ҳаётга жорий этишга бевосита раҳбарлик қилди.

(Давоми 4-бетда.)

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Тинчлик, мустақиллик, тараққиёт. Бу улуг тушунчалар бир-бири билан мудом ёнма-ён. Зеро, айнан шу неъматлар эл-юрт фаровонлигини, унинг истиқболи ва ривожланиш босқичларини белгилаб беради. Ўзбекистон эришган ва эришаётган бетимсол ютуқлар, улкан ислохотлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуши, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод — мана шу улуг неъматларини инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган. Бу йўлда жон фидо қилган боболаримизни Мустақиллик байрами кунларида яна бир бор эслаш, уларнинг муборак руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

(Давоми 5-бетда.)

Vatanimiz mustaqilligining 26 yilligi



МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Мустақиллик — ҳар бир халқ учун улуг неъмат, буюк иноят.

Мустақиллик — ўзликини англаш, ўз ота маконининг эгаси бўлиш, ор-номусини баланд тутиш ҳуқуқидир.

Мустақиллик — жаҳонда тенглар ичра тенг бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркин ва фаровон яшаш имкониятидир.

1991 йил 31 август мамлакатимиз ана шундай тарихий ютуққа эришган буюк сана. Мустақилликнинг кадр-қимматини

чуқур англайдиган халқимиз бу кунни катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Президентимизнинг 27 июндаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Жамиятимиздаги янгиланишларга мувофиқ байрам тадбирлари ҳам янгича шакл ва мазму, касб этди.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янгича ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмоқда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодийёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро товуллик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясида **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган албатта бежиз эмас.

Биринчидан, бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирилик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқда.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмоқда, уларни қонуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Иккинчидан, биз иқтисодийтимизни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорига муносиб ва мустақам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этилаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ

бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда аънавий ёндашувлардан воз кечиб, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустақам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Учинчидан, ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътироз уйғотаётган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида мавжуд аҳолининг ижобий томонига ўзгартириш, ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам албатта хабардорсиз.

Узоқ йиллардан буён халқимизни қийнаб келаётган ўткир бир муаммо — арзон уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017—2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик.

Ушбу дастурга биноан келгуси беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этилади.

Шу кунларда фақат қишлоқ жойларнинг ўзида жорий йилда қуриб битказилган янги уйларда 5 мингдан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказаяётгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Бу ишларни изчил давом эттириш ҳақида гапирар эканмиз, инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони, энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Чунки халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни

келажақда эмас, балки бугун кўришни, улардан бугун баҳраманд бўлишни истайдими.

Аҳолимизнинг ана шундай табиий истак ва талабларини бажариш барча раҳбар ва етакчиларнинг асосий бурчи ва вазифасига айланиши шарт.

Тўртинчидан, биз парламент ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Жумладан, кейинги пайтда маҳалла тизими, “Нуроний” жамғармаси, Хотинқизлар қўмитаси, ёшлар ташкилоти фаолиятини тақомиллаштириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзининг дастлабки натижасини бераётганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тuzилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор бўлиб ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш — биз учун энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оқлайди, деб ишонамиз.

Бугунги давр талаби, халқимизнинг хоҳиш ва истакларини инobatга олиб, илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда.

Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртки ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Шунингдек, бу борада бизни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири — мактабга таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мақсадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни ана шундай таълим му-

ассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз. Ушбу мақсадда айна кунларда махсус давлат дастури тайёрланмоқда.

Бешинчидан, республикамизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мўқаддас динимизнинг софлигини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши кураш олиб бориш бўйича ишлар ҳам янги ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда.

Ҳаётда билиб-билмай адашган одамларни тўғри йўлга солаш, кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалалари ҳам диққат марказимизда турибди.

Биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган одамни “ёмон” деб четга суриб қўйсақ, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш — бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Бу борада амалга ошираётган ислохотларимиз, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ҳодимлари меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар сизларга яхши маълум, албатта.

Айна вақтда бундай кенг қўламли ишларимиз биз болаимиз ислохотларнинг фақат бир қисми, дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш лозим.

Олдимизда кўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда фавқулодда сафарбарликни талаб этадиган давр бўлади ва бу вазифани барчамиз сидқидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халқимиз биздан шунини кутапти.

Бу борада, айниқса, жамиятимизда тинчлик-осо-

йишталлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустақамлаш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Қадрли дўстлар!
Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустақамлаш бўйича улкан ишларни бошлаган эканмиз, уларни амалга ошириш ташқи омишларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ташқи сиёсатимизда узоқ-яқин давлатлар, энг аввало, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу борадаги амалий ишларимиздан албатта халқимиз хабардор.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий мамлакатларнинг элчили ва халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдириб, барча давлатлар халқларига самимий табрик ва саломларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун эл-юртимиз Мустақиллик байрами билан бирга муборак Қурбон ҳайитини ҳам катта шубҳа хуррамлик билан кутиб олмақда.

Бу икки улғу байрамнинг айнан бир кунга тўғри келишида ҳам ўзига хос чуқур ва рамзий маъно бор.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларни ана шу қўшалоқ айёмлар билан яна бир бор самимий табриклайман.

Шу юксак минбардан туриб, барча ютқларимиз, буюк келажагимиз ижодкори ва бунёдкори бўлган мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва танги халқимизга таъзим қиламан.

Бугунги улғу айём кунларида қалбимдаги энг эзгу тилақларимиз мужассам қилиб айтмоқчиман:

Бетакрор Ватанимиз равақи йўлида сadoqat билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик!
Барчамизга, жонажон юртимизнинг қамолини, фарзандларимиз ва бакирдилдан бажаришни таъминлашимиз бахту иқболини кўриш насиб этсин!

Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2017-yil 1-sentabr, № 70 (9031)

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Асосий тантанали маросим 31 август куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар ходимлари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юрtdошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.



Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбари минбарга тақлиф этилди. Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги билан халқимизни муборакбод этиб, нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради. Байрам аҳли қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик қўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушида Ватан манзаралари, истиқлол тарихи тасаввурда гавдаланди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири юртимиз учун ўта мураккаб давр бўлди. Халқимиз мустақиллик тазйиқидан наинки эркини, балки миллийлигини, тилини, динини, ўзлигини ҳам йўқотиш даражасига келиб қолганди.

Тарихимизнинг шундай таҳликали, туб бурилиш пайтида Ислоҳ Каримов Ўзбекистонга раҳбар бўлди. Адолатсиз тузумга қарши мардонавор курашиб, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилди. Ҳали собиқ тузум ҳукмрон пайтда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилди.

Ислоҳ Каримов янги ўзбек давлатчилигига асос солди. Ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Биринчи



Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлади. Оқилона ташқи сиёсат, тинчлик ва ҳамкорлик принципи туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади.

"Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган эзгу ғоя, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва улкан бунёдкорлик ишлари натижасида аҳоли ҳаёт даражаси изчил юксалди. Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар ва маънавиятга эътибор халқимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккурини ўзгартирди.

Истиқлолимизнинг 26 йиллигига бағишланган байрам тадбирида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов хотираси чуқур эҳтиром билан ёдга олинди.

Саҳна ортидаги улкан мониторда мусаффо осмонимиз, оппоқ кабуларларнинг самога парвоз қилга-

ни тасвири акс этди. Гўё буюк Йўлбошимиз руҳи жонажон Ватанининг янги парвозларига оқ йўл тилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг янги даврига янги етакчи билан қадам қўйди. 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган умумхалқ сайловида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Шавкат Мирзиёев Ислоҳ Каримов сиёсатини давом эттириш, шу билан бирга, барча соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадини баён этди.

"Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамуз", деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини ошириш бўйича туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бошқарув органлари фаолияти такомиллаштирилди, кўплаб

вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди, янги ташкилотлар тузилди.

"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилга мувофиқ, халқ билан мулоқотнинг замонавий ва самарали тизими йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган ғоя асосида аҳолига кенг имкониятлар бериш, унинг реал даромадларини кўпайтириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажминини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўшни давлатлар билан муносабатларимиз янада яхшиланди. Президентимизнинг илк давлат ташрифлари кўшни давлатларга бўлди. Ўзаро рақобат эмас, ҳамкорлик қилиш тамойили иқтисодий имкониятларни кенгайтирди, минтақавий хавфсизлик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлади.

Бу жиҳатлар байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида яққол намён бўлди.

Ўзбекистонда меҳроқибат, ҳамжихатлик ва баррикенглик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда тинчлик-осойишталик қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ортмоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган банк ва ком-

паниялар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилмоқда.

Байрам дастури ҳар қачонгидан бошқача бўлди. Куй-қўшиқлар шеърлар билан уйғунлашиб кетди. Болаларнинг чиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардонавор овози дилларга кўчди. Жаҳон муомтоз мусиқалари завқ бағишлади. Тантанали маросим санъаткорлар жўрлигидаги "Ватан азиздир" қўшиғи билан ниҳоясига етди.

Дарҳақиқат, Ватан – азиз. Бизнинг ўзлигимиз, бугунимиз ва келажакимиз Ватан билан чамбарчас боғлиқ. Ота-боболаримизнинг хохи, мероси шу заминда. Бугун шу муқаддас диёрда оиламиз, дўстларимиз, касб қоримиз билан бахтлимиз. Келгуси режаларимиз, орзу-умидларимиз яхшиликка йўнрилган.

Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан. Давлатимиз мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда. Бу бойлиқнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдиридаги аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бораверади.

Байрам тадбирларида янграган куй-қўшиқлар олис-олисга таралмоқда. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида байрам тантаналари, халқ сайиллари давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗА фотомухбирлари
Сарвар ЎРМОНОВ,
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Ислом Абдуғаниевич бошчилигида Ватанимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий миллий армия барпо этилди.

Буюк Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислом Абдуғаниевич ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни бўлган **"Биздан озода ва обод Ватан қолсин!"** деган эзгу ғояни илгари сурдилар ва бу давлат барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди.

У киши **"Элим деб, юртим деб, ёниб яшарак"** деган ўзининг ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар.

Ислом ака миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она халқини, гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош мақсади, деб билар эдилар.

Ўз навбатида, халқимиз ҳам доимо эл-юрт ташвиши билан яшаган Биринчи Президентимизни чексиз меҳр билан севар ва ўзининг улғу раҳбари сифатида у киши билан ҳақли равишда фахрланар эди.

Хурматли ватандошлар!

Биринчи Президентимизнинг хотирасини абадийлаштириш учун халқимиз, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истаклари ва таклифларини инобатга олиб амалга ошираётган ишларимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Тошкент шаҳридаги халқаро аэропорт, Тошкент давлат техника университети, Асака автомобиль заводи, Фаргона шаҳридаги Санъат саройи, пойтахтимиз ва ҳудудларимиздаги марказий кўчалар, Оқсарой қароргоҳида ўз фа-

олиятини бошлаган илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, махсус хайрия жамоат фонди Ислом Абдуғаниевичнинг муборак номлари билан аталди.

2 сентябрь кuni хайрли ишларимизнинг давоми сифатида Ислом Абдуғаниевич туғилиб вояга етган, мангу ором толган азим Самарқанд шаҳрида улғу йўлбошчимизнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросим ўтказилади.

Шунингдек, Қарши шаҳрида ҳайкал ўрнатиш ва Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуасини барпо этиш бўйича бошлаган ишларимизни тўлиқ якунлаб, у кишининг туғилган кунига 80 йил тўладиган сана — 2018 йил 30 январда тантанали очилиш маросимини ўтказамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биринчи Президентимиз ҳаётининг энг фаол ва жўшқин пайтини — талабаликдан бошлаб умрининг охирига қадар бўлган даврнинг азим Тошкент шаҳрида ўтказдилар. Уларнинг бор билим ва салоҳиятини, ғайрат-шижоатини Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига, гуллаб-яшнашига бағишладилар.

Ислом Абдуғаниевич Тошкентни Ватанимизнинг олтин оstonаси, деб атар эдилар.

У кишининг **"Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида Тошкентни кўраимиз"** деган чуқур маъноли сўзларини шу бугунги тарихий кунда яна бир бор эсга олиш ўринли, деб ўйлайман.

Биринчи Президентимиз томонидан барпо этилган мана шу қароргоҳда у кишининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг энг ёрқин дамлари ўтган эди.

Айнан шу ерда халқимиз, мамлакатимиз тақдири ва келажакига оид ғоят муҳим бўлган кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилингани сизларга яхши маълум.

Бундан бир йил олдин бошимизга тушган оғир мусибат туфайли хувиллаб қолган Оқсарой қароргоҳи бугун Ислом аканинг меҳрли сиймоси туфайли янада очилиб, нурафшон бўлиб, эл-юртимизни ўз бағрига чорламоқда.

Бугун ушбу қароргоҳ олдида халқимиз, давлатимиз

номидан буюк йўлбошчимизнинг хотирасига хурмат-эҳтиром кўрсатар эканмиз, ўйлайманки, барчамиз Ислом Абдуғаниевичнинг бу муаззам ҳайкали шу майдонга алоҳида улғуворлик ва салобат бағишлаб турганига гувоҳ бўлоқдамиз.

Ишончим комил, бугундан бошлаб ушбу мажмуа бутун халқимиз учун бир умрга қутлуг ва табаррук қадамжо бўлиб қолади, албатта.

Тошкент аҳли, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келадиган ватандошларимиз, чет эллик меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари бу ерга ташриф буюриб, ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига хурмат бажо келтирдилар.

Бу масканга қадам қўйган ҳар бир инсон муҳтарам Ислом Абдуғаниевич юрган йўлақлардан, хиббонлардан ўтиб, музей билан яқиндан танишиб, истиқлолимиз меймори ва асосчиси билан ҳаёлан учрашгандек, мулоқот қилгандек бўлади.

Барчамизга яхши маълум, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг хизматлари беқиёсдир.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакилларига Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини хотирасига кўрсатаётган хурмат ва эътиборлари учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Ишонаман, Ислом Абдуғаниевичнинг мухташам ҳайкали қад ростлаган ушбу қутлуг маскан халқимиз, барча ёшларимиз учун Ватанга юксак меҳр ва садоқат кўрсатиб яшашнинг чинакам тимсолига айланади, катта тарбия ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, муҳтарам Биринчи Президентимизнинг номи ва у киши бошчилигида амалга оширилган буюк ишлар юртимизнинг шонли тарихида ўчмас саҳифа бўлиб мангу қолади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

...2017 йил. 31 август. Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳи, унга туташ кўркам майдон ва хиббон. Мусаффо осмон, маҳзун мусика садолари остида давлатимиз байроғи ҳилпурайди.

Бу ерга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, талаба-ёшлар, юртимиздаги миллий маданият марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари Ислом Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун жам бўлган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалининг очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Биринчи Президентимиз бошлаб берган кенг кўламли ислохотлар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг ўзининг буюк фарзандига чексиз хурмат ва садоқатининг амалий ифодаси бўлди. Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимиз номини абадийлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрига бир неча бор ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Ислом Каримов дафн этилган жойда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси билан танишиб, уни тақомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Буюк йўлбошчимиз ҳайкалининг яратиш бўйича халқаро ижодий танлов эълон қилинган эди.

Танлов натижаларига кўра, ҳайкалтарош, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби Илҳом Жабборов яратган ҳайкал ғолиб, деб топилди.

Маросимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ш.Каримов, Ўзбекистон халқ артисти Г.Мельникова, Тошкент шаҳридаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.Муталов, ФИФА рефериси, "Буюк хизматлари учун" ва "Эл-юрт хурмати" орденлари соҳиби Р.Эрматов, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз муҳаббат билан севгани, умрининг сўнгги кунларига қадар бугун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўнмас хотираси миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Энг улғу, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами нишонланаётган қутлуг кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Шу кун Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Абу Бакир ҲОЗОВ,
Ўза мухбири

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА КУРАШGANЛАР ХОТИРАСИГА ЭХТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биринчи Президентимиз Исмоил Каримов ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бугун ушбу ёдгорлик мажмуидан зиёратчилар қадами узилмайди. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачигидек асраб-авайлашга ундайди.

...31 август. Эрта тонг. Қатагон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари живаланади. Осузда отаётган тонгни кўриб қалбларда шукронлик, шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

Қатагон қурбонлари куни муносабати билан мазкур хиёбонда халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган ма-

рхумларни ёд этиш маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига хурмат бажо келтирилди.

Президентимиз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда жонини ҳам аямаган аждодларимиз хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз теккилашади, деди давлатимиз раҳбари. Эзгулик аталмиш кудратли кучнинг абалдиги, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз билан фахрланамиз. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаёт аҳамиятини янада теран англаймиз. Истиқлол тўғрисида юрти-

мизда тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар давомида топталиб келган миллий қадриятларимизни, буюқ аждодларимиз номини қайта тиклаш, хотирасини эъозлаш, Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган минглаб инсонлар руҳини шод этиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Инсондан унинг қилган эзгу амаллари, ишлари қолади. Бунга XX аср бошида яшаб ўтган Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари кўплаб маърифатпарварларнинг курашларига йўрилган ҳаёти ёрқин мисолдир. Уларнинг юртини озод қўриш орзуси, шу йўлда амалга оширган эзгу ишлари истиқлол тўғрисида рўёбга чиқди. Бугун озод ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан баркамол авлод воғга етмоқда.

Юртимиздаги қўплаб тарихий обидаларнинг қайта тикланиши, қадимжоларнинг обод бўлиши мамлакатимиз Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ. Жумладан, Биринчи Президентимизнинг 2001

йил 1 майдаги "Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги фармони асосида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи барпо этилди.

Музей 2002 йил 31 август куни – мамлакатда илк бор нишонланган Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини тантанали равишда очилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев музей экспонатлари билан танишди.

Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир, деди давлатимиз раҳбари. Ҳар бир вилоятда Қатагон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилишимиз керак. Улар университет ва институтлар қошида ташкил этилса, айни муддао бўлади. Қатагон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликларига махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Шавкат Мирзиёев музей ёнидан оқиб ўтувчи Бўзсув канали атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Бу ердаги муҳит ижодкорлар учун илҳом манбаидир. Шунинг учун Бўзсув канали атрофида турли тадбирлар — мақом кечалари, ёшлар, нурунийлар ва зиёлиларнинг учрашувларини уюштириш мақсадга мувофиқ, деди Президентимиз.

Ўзлгини англамаган, асл ҳаётини ҳақиқатлар мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажаги йўқ. Истиқлол йилларида қўлга киритилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган улкан ишлар замирида эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти муҳасаб.

Юртимизнинг ҳар бир фуқароси йилдан-йилга мустақилликни мустаҳкамлашдек масъулиятли жараённинг онгли ва фаол иштирокчиси айланмоқда. Аждодларимиз хотирасини шод этиб, юрт тинчлиги ва эл фаровонлигини таъминлашни Ўзининг бурчи деб билган, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган халқимиз қўлгаган манзиллар, шақ-шубҳасиз, нуридир. Шундай экан, мустақиллигимиз абадийдир.

Абу Бақир ҲОЗОВ,
ЎЗА муҳбири

Ўз болангни ўзинг асра

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун фарзандларимиз камолга хизмат қилади.

Халқимизнинг асрлар давомида сайқалланган қадриятлари тизимида фарзанд тарбияси масаласи алоҳида ўринга эга. Бугунги кунда ҳам юртимизда ёшлар сиёсати, хусусан, таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Қисқа давр ичида мазкур йўналишда қўплаб ишлар амалга оширилди. Мактабгача ва ўрта таълимни янада такомиллаштириш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ёшлар билан ишлаш тизимидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, фарзандларимизни соғлом қилиб воғга етказиш, уларни турли зарарли иллатлар, хуружлардан ҳимоя қилиш доимий эътиборда. Зеро, бугунги кунда ахборот воситаларидан ақсарият ҳолларда жамият ривожини ва тинчлигини раҳна солиш, ёшлар, айниқса, болалар соғлиғига зиён етказиш, уларнинг онги ва дунёқарабини торайтириш, миллий ва умминсоний қадриятлардан узоқлаштириш, иродасини заъифлаштириш каби гаразли ва паст мақсадларда фойдаланилаётганлиги сир эмас.

Миллий қонунчилигимизда, хусусан, Жиноят кодексида бу каби жиноятларга нисбатан муқаррар жазо чоралари белгиланган.

"Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги янги қонун бу борада яна бир муҳим қадам бўлиб, миллий қонунчилигимиз базисини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

6 боб, 27 моддадан иборат янги қонун мазмун-моҳиятига кўра, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ушбу муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, қўламини ва иш-

тирокчилари билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олади.

Қонунда ахборот махсусоти ва унинг ёш таснифи, ахборот махсусотини экспертизадан ўтказиш, ахборот махсусотининг айлиниши ҳамда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот ва бошқа шу каби қатор тушунчалар мазмуни батафсил ёритилган.

Ушбу йўналишдаги устувор вазифаларни амалга оширишда иштирок этувчи орган ва муассасалар тизими ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи сифатида белгиланган. Мазкур органга соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу йўналишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари ишлаб чиқиш, соҳага оид қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш каби қатор ваколатлар берилган.

Қонунда бу жараёнда воғга етмаганлар ишлари бўйича Республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялари ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ваколатлари ва иштироки ҳам мустаҳкамланган.

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифа ва ваколатларнинг бундай кенг қўламада тақсимланишининг ўзиёқ ушбу соҳанинг нечоғлиқ долзарб аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Маълумки, ахборот тушунчаси ва унинг таъсир доираси беқиёс даражада кенг. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш ва ахборот махсусотининг ёш тоифаларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қонунда болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ҳамда те-



Yangi qonun

гишли ёш тоифасига кўра тарқатилиши чекланган ахборот алоҳида норма билан кўрсатилган. Унга кўра, болаларни ўз ҳаёти ва саломатлигига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этиш, жумладан, соғлиғига зарар етказиш, ўз жонига қасд қилишга ва шу ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган ахборотларни тарқатиш тақиқланади. Болаларда наркотик воситалар, психотроп моддалар ёки уларнинг ақл-ирода фаолиятига салбий таъсир этувчи бошқа моддалар, алкоғолли ва тамаки махсусотларини истеъмол қилиш, дарбадарлик, тиланчилик ёки бошқа кўринишдаги ноижтимоий ҳаракатлар билан шугулланиш истганини пайдо қиладиган ахборотларга йўл қўйилмайди.

Инсонлар ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёхуд оқлайдиган ёки зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этишга ундайдиган, оилавий қадриятларни инкор этадиган, шунингдек, ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан хурматсиз муносабатни шакллантирадиган ахборот тарқатилиши мумкин эмас. Ноконуний хатти-ҳаракати оқлайдиган ва қонунбузилишини содир этишга ундайдиган, жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этишга ундайдиган, ҳақоратли сўзларни ва порнография хусусиятига эга ахборотни ўз ичига олган ахборот махсусотларини болалар ўртасида тарқатиш қатъян тақиқланади.

Қонунда болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида соғлиқни сақлаш органларининг ўрни ва вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилган. Хусусан, ахборотнинг юқоридида санаб ўтилган зарарли таъсирларидан жабрланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, шунингдек, ахборот махсусоти тарқибидидаги зарарли элементларни аниқлаш мезонларини такомиллаштириш бўйича мазкур тизимнинг функция ва вазифалари алоҳида норма билан мустаҳкамланган. Қайд этиш лозимки, ушбу норма соғлиқни сақлаш органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шунингдек, мазкур норма ахборот махсусотининг болалар саломатлигига салбий таъсирларини камайтириш ва бартараф этиш таъминлашига ҳамда ахборот махсусотларини баҳолашдаги турли субъектив ёндашувларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Қонун билан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир қонунчиликка риоя этилиши устидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларимизнинг жамоат назоратини олиб бориш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ушбу норма фуқаролик жамияти принципларига тўла мос келиб, амалда илҳомий сектор фаолияти самарадорлигининг ошишига ҳамда фуқароларимизда дахлдорлик туйғусининг юксалишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Фарзанднинг жисмонан бақувват, ақлан етуқ, маънан баркамол бўлиб воғга етиши ҳар бир ота-онанинг ҳаётдаги олий максадидир. Айниқса, табиатан болажон ўзбек халқи учун ушбу мақсад ҳаётини аҳамиятга эга. Шу боис дилбандларимизнинг онгини, қалбини умминсоний ҳамда миллий қадриятларга зид ғоя ва қарашлар билан тўлдиршига бўлган уринишлар барчамизни хушёр тортиштириш зарур.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ўз боламизни ўзимиз асрашимиз керак. Бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлиги билан бир қаторда, керак бўлса конституциявий мажбуриятимиз ҳамдир. Масалага айни шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур қонуннинг қучга кириши баркамол авлод тарбияси йўлидаги муштарак мақсадларимизга пухта ҳуқуқий замин бўлади.

Зайниддин
НИЗОМХУЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати
Фан, таълим, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси.
ЎЗА

Муסיқа байрами қалбларни забт этди

Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" XI халқаро муסיқа фестивали якунланди

Оҳанг, куй-қўшиқ инсон қалбида энг нафис туйгуларни уйғотувчи, кишини руҳлантириб, эзгу ишларга бошловчи қудратли куч. Тил, миллат тапламайдиган наволар ҳеч қандай таржимон, ҳеч бир воситасиз инсон юрагига кириб боради. Дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди. Тинчликни, маданиятни, маънавиятни тарғиб этади, инсонийликни удуғлайди.



Йигирма йилдирки, "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивали ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиб келмоқда. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур санъат форуми ўтган давр мобайнида дунё халқлари миллий муסיқа маданияти аъёнларини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, тили, дини, миллатидан қатъи назар, барча халқларни санъат орқали яқинлаштириш ва улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган йирик муסיқа анжуманларидан бирига айланган.

барлари фахрий меҳмон сифатида қатнашди. Улар мазкур санъат байрамнинг турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тинчлик ва бағрикенгликни тарғиб этишдаги роли ва аҳамиятини, Ўзбекистонда ушбу халқаро форумга ҳар сафар катта тайёргарлик кўрилиши ва тadbirlarнинг юксак савийада ўтказилишини алоҳида таъкидлади.

— Самарқанд ўзининг бир неча минг йиллик ўтмиши давомида цивилизация, илм-фан, маданият маркази бўлгани тарихдан яхши маълум, — деди Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалала-

қатнашчилари ҳамда меҳмонларини табриклаши сайёрамизнинг турли ҳудудларидан келган хонанда ва созанда-лар, муסיқашунос олимларини янада руҳлантириб юборди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёда қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили ва дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ўзаро дўст қиладиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлайдиган муסיқа санъатининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. "Шарқ тароналари" муסיқа фестивали ҳам айнан шундай мақсадларга хизмат қилмоқда.

Халқаро форум қатнашчилари бу жиҳатларни фестивал доирасидаги тadbirlarда яққол хис қилди. Регистон майдонидаги асосий сахнада, шунингдек, Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Пастдарғом, Жомбой, Самарқанд туманларидаги истироҳат боғлари, муסיқа ва санъат мактабларида қарийб бир ҳафта давомида дунё халқлари куй-қўшиқлари янгради. Миллий рақслар ижро этилди.

Ўртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар билан ҳамкорликда уюштирилган концерт дастурларида ҳам халқлар ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, тинчлик тараннум этилди. Меҳмонлар жойларда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" ширин остида ўтказилаётган байрам тadbirlarларида қатнашди.

Самарқанд шаҳридаги музейлар, хунармандлар марказлари ва меҳмонхоналарда фестивал тарихига оид суратлар, миллий хунармандлик маҳсулотлари ва чолгу асбоблари кўргазмалари намойиш этилди. Ҳар қарч ери муқаддас заминимиздаги тарихий обидалар, буюк алло-маларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар, таълим муассасалари, замонавий иш-лаб чиқариш корхоналарига саёхатлар уюштирилди.

Анжуман доирасида ўтказилган "Шарқ халқлари му-сиқа маданиятида миллий аъёнларнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзудаги халқаро илмий-назарий



конференция санъатшунос олимларнинг йирик халқаро анжумани сифатида муҳим ва долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди. Тадбирда 20 дан ортиқ мамлакатдан келган олим ва мутахассислар маърузалар қилди, тақдиротлар ўтказди.

30 август кuni Регистон майдонидаги амфитеатрда фестивал иштирокчилари ва меҳмонлар, ўртимиз маданият ва санъат намояндalari, жамоатчилик вакиллalari халқаро муסיқа анжуманининг тантанали ёпилиш маросимига жам бўлди.

Фестивал қатнашчилари ва ҳакамлар ҳай'ати тadbirlarнинг юқори савийада ташкил этилгани, юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондорчилик учун мамлакатимиз раҳбариятига, халқимизга миннатдорлик изҳор қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фестивал иштирокчиларига йўллаган табрик сўзида билдирилган истаклар, фикрлар анжуман доирасидаги барча тadbirlarларда ўз ифодасини топади, иштирокчиларни руҳлантиргани таъкидланди.

25—30 август кунлари дунё санъат аҳлининг бош сахнасига айланган Регистондаги амфитеатрда "Шарқ тароналари" XI халқаро му-сиқа фестивали ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб, фаол жамоалар қатор номинациялар бўйича тақдирланди. ЮНЕСКО, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Шарқ тароналари" халқаро му-сиқа фестивали дирекцияси, Самарқанд вилояти ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа ташкилотларнинг махсус мукофотлари топширилди.

Саҳнага Эрон, Индонезия ва Туркиядан келган жамоалар тақдиф этилди. Уларга фестивалнинг учинчи даражали дипломлари топширилди.

Иккинчи ўринга Қирғизистон ва Литвадан келган санъаткорлар сазовор бўлди.


Жанубий Кореянинг Геосонг халқ қўшиқларини сақлаш фонди жамоаси ҳамда мамлакатимиз вакили Моҳичеҳра Шомуродова биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

Нихоят, ҳаяжонли лаҳзалар. Ҳакамлар ҳай'ати хулосасига кўра, "Шарқ тароналари" XI халқаро му-сиқа фестивалининг бош соврини — Гран-при Озарбайжон вакилига берилгани маълум қилинди.

— Дунё эътирофидаги ушбу фестивалда иштирок этишнинг ўзи биз учун катта шараф бўлганини таъкидламоқчиман, — дейди Гран-при соҳиби, Озарбайжон Республикасида хизмат кўрсатган артист Соҳиб Пошшозода — "Шарқ тароналари" бош совринини кўлга киритишим эса тарихий воқеа бўлди. Ҳозир қалбимда кечаётган ҳаяжон, фахр-ифтихорни сўз билан ифодалаш қийин. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу фестивалнинг ташкил этган Ўзбекистон раҳбариятига, бизга жуда катта ҳурмат кўрсатган санъаткорлар ўзбек халқига миннатдорлик изҳор этаман.

Маросимда ўртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури ҳамда "Ўзбекистон маданий мероси — умумбашарий бойлик" деб номланган 3D проекция-му-сиқали ёритиш томошаси намойиш этилди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбир
Алишер ИСРОИЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар



Фестивал "Шарқ тароналари" деб номланса-да, унда дунё тароналари янграмоқда. Бугунги кунга қадар мазкур фестивалда сайёрамизнинг барча китъаларидан 100 дан ортиқ давлат, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллalari иштирок этгани ҳам шундан далolat беради. Тадбирда қатнашиш истагида бўлганлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Бу йил жаҳоннинг 58 давлати санъат усталари "Шарқ тароналари" да ўз му-сиқа ва қўшиқчилик аъёнларини, маданиятини намойиш этди. Фестивалда бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар раҳ-

ри бўйича тузилмаси — АЙ-СЕСКО Бош директори Абдулазиз Усмон ал-Тувайжри. — Бу аъёна бугун ҳам давом этмоқда. Мен дунёнинг турли давлатларидан келган олимлар фикрларини эшитиб, муқаддас қадамжолар, тарихий обидаларни зиёрат қилиб, шаҳар билан яқиндан танишиб, бу муқаддас заминга олдинроқ келмаганимга афсусландим. Самарқанд қалбимдан чуқур жой олди ва мен бу ерга яна албатта келаман.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши ва анжуман

Мақтабгача таълим муассасалари фаолияти ва халқаро тажриба

Пойтахтимизда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда мақтабгача таълим муассасалари фаолияти ва халқаро тажриба» мавзуда маънавий-маърифий тadbир ташкил этилди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом қилиб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда таълим тизимидаги илгор халқаро тажрибани ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини замонавий, ил-

гор педагогик технологиялар асосида йўлга қўйиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017—2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-tadbirlarни тўғрисида"ги қарори бу каби ишлар

кўламини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

Кейинги йилларда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда таълим, соғлиқни сақлаш, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, соғлом ва юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда мақтабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни замонавий таълим дас-

турлари билан бойитилмоқда, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими Эргаш Даминов. — Болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги ҳамкорлик ўзининг юксак самаларини бермоқда. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида қатор чораларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Г.БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири

2017-йил 1-сентябр, № 70 (9031)

Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон

1991 йил. Олий ўқув юртини энди битириб, маҳалламиздаги мактабга ишга кирган кезларим эди. Янги ўқув йилига ҳозирлик ишлари билан мактабга ҳар кун борарканман, мактабда дарс бериш нақадар машаққатли эканини дилдан ҳис этардим. Шунданми, "болаларга қандай дарс ўтарканман", "мавуларни уларга қандай тушунтириб берарканман" деган ҳадик, хавотир кундан-кун ортаверарди. Юрак ҳапқирғи, ҳаяжонимни босиш учун гоҳ устоз-педагоглар билан ўқувчиларга сабоқ бериш бўйича фикрлашман, гоҳида синфхоналарни саранжомлашга киришиб, ўзимни овутаман. Аммо ўқувчилар билан рўбару келиш кунлари яқинлашгани сари ҳаяжоним ошарди. Уқши бошланишидан бир кун олдин мактабни шайлаб ҳаммамиз уйга қайтдик. Ҳовлимиз дарвозаси олдида гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга юрган онамга кўзим тушиди. "Тинчликмикан?", дея олдиларига югуриб бордим.

"Болам, бугун мустақил бўлдик!"

онамнинг кўзида ёш билан айтган бу гапи ҳануз эсимдан чиқмайди

— Болам, бугун мустақил бўпти, — дейди кўзлари олдида томчи юмалаган онам ҳаяжонини яширолмай.

— Ким мустақил бўпти, ойижон? — ҳайрон бўлиб сўрайман.

— Юртимиз, она Ватанимиз — Ўзбекистон мустақил бўпти. Ҳозиргина радиодан эшитдим, — дея энтикди онам. — Энди бизлар ҳам ёруғ кунларга етаемиз...

Шунда беихтиёр менинг ҳам кўзларимга ёш келди.

Эсимда, 80-йилларда "пахта иши" айна авжига чиққан, юзлаб одамлар қаллобликда, ўғрилиқда айбланиб, ноҳақ қамалган кезлар. Улар ораёида отам Баҳром Шодмонов ҳам бор эди. Беш ўшанда етти фарзанд онам билан қолдик. Дадамни турли айблар билан гоҳ Қарши яқинидаги Шайхали турмасига, гоҳ Бухоро, ҳатто Сибирь(Тюмен)га жўнатиш. Мактабда барча фандан гоҳ Қарши тўлиқ англаб етмаган, орзуларга тўла қалбим жудаям ўксиди...

Мустақиллик арафасида Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг сая-ҳаракатлари билан бошқалар қатори отам



ҳам оқланди, турли жабҳаларда раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Истиқлол муждасини эшитиб, дилда туғён ураётган ҳаяжонларим зўр иштиёққа, шижоатга айланди: "Энди ўқувчиларга дарсни қандай ўтишни, уларга нима ўргатишни биламан. Эртанги кунимиз эгаларига чуқур билим бериш йўлида бор маҳоратимни ишга соламан..." деган қатъий мақсад билан илк иш кунимни бошлаган эдим.

Утган 26 йил давомида кўплаб ютуқларга эришдим. Ўқувчиларим интеллектуал беллашувларда зафар кучди. Мухими, уларнинг муваффақият қозонишида турли суъвий тўсиқлар барҳам топди. 2007 йили "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўринни олган бўлсам, 2014 йили 3-ўрин насиб этди. Бу

юртда ҳар бир инсоннинг меҳнати муносиб тақдирланиши 2010 йилда "Шухрат" медали билан тақдирланганимда юракдан ҳис қилдим. Қолаверса, "Очиқ дарслар фестивали", "Йилнинг энг яхши биология фани кабинети муdiri", "Гуллар ва қушлар байрами", "Сув — ҳаёт манбаи", "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" каби танловларда фаол қатнашиб, ғалабага эришиб келмоқдаман.

Шуларни ўйласам, мактабни тамолаётганимда ўзимники бўлган олтин медални беришмаганини кулибгина эслайман. Чунки мустақиллик менга ундан ўн чандон юксак мукофот ва ютуқлар инъом этди.

Дилорам ШОДМОНОВА,
Қарши туманидаги 52-мактабнинг биология фани ўқитувчиси



Хизмат юзасидан самолётда кўп учаман. Гоҳро аэропортда, баъзан самолётда одамлар билан сеплашиб, юртдошларим учун Лондону Мадрид, Нью-Йорку Сидней "бир қадам" бўлиб қолганига амин бўламан.

Истиқлол инъом этган имконият

Бугун кўплаб ўзбек ёшлари чет тилларини мукамал ўрганиб, хорижнинг нуфузли олий таълим даргоҳларида тахсил олмоқда. Фарзандларининг чет элларда таълим олиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганидан ота-оналар ҳам мамнун. Бир сафар Қаршига чироқчилик Кумри ая билан бирга учдим. Онахон Европадан қайтаётган экан. У чет элда кўрган-кечирганлари ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Дастлаб Парижда, неварасининг магистрлик диплом химоюсида қатнашибди. Кейин Германия, Швейцария, Испания каби давлатларга саёҳат қилибди. "Ўзга юртлардан қандай таассурот олдингиз?" деб сўрасам, "Бошида ҳавосига кўника олмамай қийналдим. Тамаддиси ҳам маъқул

бўлмади. Овқатлари бизникига ўхшамайди. Саёҳатга чалғидим шекилли, кўникдим. Бошқа мамлакатда юрт соғинчи қандай бўлишини билар экансан. Ҳар лаҳза Чирокчининг кенгликларини, мард ва танги юртдошларимизни, айниқса, келинимнинг тандирда ёпган ширмой ноию ўчоқда дамланган паловини кўмсадим" дейди онахон.

Ҳа, юртдошларимиз мустақиллик шарофати ила дунё кезмоқда. Ўз навбатида, жаҳон халқларининг юртимизга қизиқиши ортиб бораёти. Буларнинг бари истиқлол инъом этган имконият самараси. Мустақиллик тўфайли мамлакатимиз тараққий этиб, жаҳон ҳам-жамиятида ўз номи ва сўзига эга бўлаётгани барчамизга чексиз фахриятимор бағишлайди.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Туриш-турмушини ер, муқаддас тупроқ билан боғлаган, йилни ўн икки ой деб эмас, тўрт фас деб билган, ғалла, пахта хирмонини ҳар йили ошиги билан тўлдирган Патилахон ая Эргашевани фарғоналиклар эъозлайди. 2010 йили Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига лойиқ кўрилиб, пойтахтдан олтин юлдузни кўксига ярқиратиб қайтган ая уйига ҳам кирмай, тўғри даласига келганида таниш-билишларнинг ҳайрати ошганди. "Тавба, дала қочиб кетармиди! Аянинг феъли қизиқ..." деган паст-баланд гаплар чалингандай қўлоққа. Билишмайдики, ая далаларининг ранг-рўйини кўрмаса, ҳол-аҳволини билмаса,

Ўтган умрим, Ватаним — далам

Бугун ўттиз уч миллион жигарбандини бағрига сиғдирган Ўзбекистоннинг қай гўшасига борманг, истиқлолнинг суваратини, лабга табас-сум, дилга хотиржамлик улашувчи қиёфасини кўрасиз.

хидини туймаса, уйига ҳам сиғмайди — ичикиб қолади. Умри — дала, ёшлиги, навқиронлиги — дала, пешонасидаги ажинлари — дала, кумуш сочи — дала...

Отаси Фағрули бобо, онаси Саодат момонинг соддадил, юрганида ер гурсиллайдиган, камтар-камсукум қизгинаси қаҳрамон бўлиши тушга кирибди! "Энг бой, жаннати инсон — деҳқон. Уйда дони борнинг ғами йўқ. Деҳқон эккан экиндан паррандаю дарранда, кўрт-қумурска ризқланади" дегич отасининг ўғитларини қулоғига сирғадек таққан аянинг рўзғоридан барака кетмади. Ерни боққанди — ер уни боқди. Аввал пиллачиларга, сўнг пахтакорларга бош бўлган Патилахон ая зиммасидаги режани вақтида ўринлаб, бировдан даққи, таъна-танбеҳ эшитмади. Мўлжални

тўлдириб, ортган дон-дунни бевабечора, қўли калта оилаларга улашди, етим-есирнинг бошини силади. Бу йил ҳам режадан ортган қирқ тонна бугдой муҳтож хонадонларга расамади билан тақсимланди. Бировнинг ҳақи бошқанда кетмади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари "Фарғона-3" навли чигит аянинг даласида синовдан ўтказилиб, кўнгилдагидек ҳосил олинганди. Тажриба-синовларга ҳаммининг ҳам даласа танланавермай, фақат сиңчи, ернинг инжиқ феълини обдон ўрганган, ишончли деҳқонларнинггина далаларига синов уруғлари қадалади. Аянинг қилган, қилаётган ишларидан ҳайратимиз ошиб, йўл-йўлақай туғилган иштибоҳни тилга кўчирдик. Ишониб-ишонқирамай сўраётганимизни кўрган ая хандон қулади:

— Э-э, қизим, бу далалар жоним қадар азиз. Шу пайкалларда умрим, ёшлигим, болалигим ўтди. Бир кун кўрмасам, оғриб қоламан. Отамдан қолган далалар бу. Ўпкамни тўлдириб нафас олиб, хидини сезсамгина хотиржам тортман. Унгача ҳаловат қайда...

Аяга берилган мукофот бувайдаликларни ҳозиргача шодлантиради. Гап-гаштак, қўшни қишлоқдаги тўй-маросимга борадимми, ҳамсоясини йўқлаб, жиндек гурунглашадими, хотин-халажнинг тилидан Патилахон аянинг қилаётган ишлари, саховати, одамийлигию самимийлиги тушмайди, келин-қизига ўрнак ол, деб уқтиради. Аянинг ўзи эса пахта мавсумига тайёрланаётган ишчи-хашарчиларига неларнидир буюриб бўлгач: "Ҳаммаси — сиз айтаётган мукофот, эъозу эътибор, унвон, тақдирлашлар — мустақиллик, озодлигимизнинг шарофати. Эркимиз ўзимизда бўлмаса, шу ишларни қиларимди! Мендек оддий қишлоқ аёлига ишонимизганида бари хомхаёл эди, қизларим!", дейди ям-яшил гўзалардан кўз узмай.

Азиза СОЛИЕВА

«Мовароуннахр» нашриёти, «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси,
«muslim.uz» веб-портали жамоалари барча юртдошларимизни
мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда
муборак Курбон ҳайити байрамлари
билан самимий қутлайди.
Энг улуғ, энг азиз байрамларимиз муборак бўлсин, азизлар!
Яратгандан юртимизда шундай байрам тантаналари
бардавом бўлишини сўраймиз!



ОБУНА – 2018



ХИДОЯТ

ИСЛОМ
НУРИ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Севимли нашрларингиз – «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловалари («Хидаят», «Ислам нуры») йилдан-йилга мазмунан бой, шаклан чиройли бўлиб, обуначилари тобора кўпайиб бормоқда.

Азиз ватандошлар! Ўзингизни, оила аъзоларингизни илм-маърифат нуридан бебахра қолдирманг! «Маърифат улашиш – энг эзгу амал» шиорини маҳкам тутайлик.

Нашрларимизга обуна бўлинг!

Интернет орқали ҳам обуна бўлишингиз мумкин:  @muslimuzportal

@hidoyatuz



ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ:

(масжидлар орқали)

«ХИДОЯТ» – 45 000 сўм;
«ИСЛОМ НУРИ» – 36 000 сўм.



Қорақалпоқ тилидаги иловалар:

«ХИДАЯТ» – 25 000 сўм; «ИСЛАМ НУРЫ» – 18 000 сўм.

Манзилимиз: 100002, Тошкент шаҳри, Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй. Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (0 371) 227-34-30; (0 371) 240-08-23

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

2017-yil 1-sentabr, № 70 (9031)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎҚУВ ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

Азиз юртдошлар! Мухтарам ўқитувчи ва мураббийлар!

Сизларни **ЭНГ улуг, ЭНГ азиз байрамимиз** —
мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги
билан самимий муборакбод этамиз. Хонадонингизни файзу
барака ҳеч қачон тарк этмасин!



Юртимиз тинч, меҳнаткаш
ва бағрикенг халқимиз доимо соғ-омон бўлсин!



Хар йили Мустақиллик байрами арафасида Инвестиция дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилаган юзлаб таълим муассасалари фойдаланишга топширилади. Ушбу анъана бу йил ҳам муносиб тарзда давом эттирилади. Капитал реконструкция ва таъмирдан чиққан мактаблар ўқувчи ва ўқитувчилар, ота-оналар учун улкан тўхфадир.

— 2017 йилги Инвестиция дастури асосида Қорақалпоғистондаги 38 та мактаб (1 та янги қурилиш, 22 та капитал реконструкция, 15 та капитал таъмир), 20 та мактабга таълим муассасаси (5 та капитал реконструкция, 15 та капитал таъмир)да қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун 54 миллиард 213 миллион 800 минг сўм ажратилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири мутахассиси Жеткер Ешимбетов.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил январь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи

моқда. 16-мактабнинг 2 та спорт ва 1 та фаоллар зали капитал реконструкция қилинган.

— Мактабимизда таълим қорақалпоқ ва рус тилида олиб борилади, — дейди 16-мактаб раҳбари Медет Сейфуллаев. — Янги ўқув йилига таъмирлаш ишлари тўлиқ яқунланади. Ҳозир

Ўқувчи ва ўқитувчиларга муносиб тўхфа

— Мактабимизда таълим қорақалпоқ ва рус тилида олиб борилади, — дейди 16-мактаб раҳбари Медет Сейфуллаев. — Янги ўқув йилига таъмирлаш ишлари тўлиқ яқунланади. Ҳозир мактаб ҳудудини ободонлаштирялмиз. Спорт залимиз таъмирдан чиққандан кейин ўқувчилар тўғаракларда ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланиш имконига эга бўлади.

чоғида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги мактабни эриш тақдирини билдирган эди. Айтиш кунда таълим асосида мактабнинг қурилиш ишлари давом этмоқда. RSP «Remont elektromontaj» ва тўртта ёрданми ташкилот томонидан бунёд этилаётган таълим муассасасида ўқув-лаборатория хоналари, замонавий синфхоналар, мажлис залли, спортзал, 100 ўринли ётоқхона ва кичик босмахона қуриш режалаштирилган. Бино олдида барпо этилган боғда шоирнинг ҳайкали ўрнатилди. 216 ўринга эга мактабни Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Шуманай туманидаги 31-мактаб ҳам капитал реконструкциядан сўнг янги қиёфага кирмоқда. 12-, 25-мактабларда 12х24 ҳамдаги спорт зали барпо этилаётган бўлса, 1-, 8-МТМ бинолари капитал таъмирлан-

мактаб ҳудудини ободонлаштирялмиз. Спорт залимиз таъмирдан чиққандан кейин ўқувчилар тўғаракларда ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланиш имконига эга бўлади.

Нукус туманидаги 3 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 1 та МТМ капитал таъмирланмоқда. «Қутанқул» МФЙ ҳудудида жойлашган 6-МТМ филиалида ички ва ташқи суваш, бинони шиферлаш, янги ойна ва эшиклар ўрнатиш, иситиш тизимини созлаш ишлари яқунланди. Ҳозир деворлар бўялиб, ўйин майдончалари қурилмоқда.

20-мактабда «Нукус қурилиш монтаж сервис» МЧЖ қурувчиларининг меҳнати билан қўшимча 80 ўринли ўқув биноси қад ростламоқда.

— Айтиш пайтда деворлар тўлиқ кўтарилди, — дейди бош пудратчи Тайир Исмаилов. — Иситиш ва электр тизими соз ҳолатга келтирилди. Янгидан қурилаётган ўқув биноси бир қават



Мактабга е'tибор — kelajakka е'tибор

бўлиб, тўртта синфхона, 3 та қўшимча хона ва кимё лаборатория хонасини ўз ичига олади. Эрта баҳорда муассаса атрофига экилган 150 та манзарали, 180 та мевали дарахт кўчатлари ва турли гуллар бир текис қўқариб, ажойиб манзара касб этган.

Янгибозор туманидаги 31-мактабда таълим-тарбия учун шароитлар энг паст даражада бўлгани боис ўқитиш ва дарс ўтиш сифа-

биносини қуриш, 9 та мактабда капитал реконструкция ишларини бажариш, яна шунча ўқув масканини капитал таъмирлаш кўзда тутилган. 15 та МТМда капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мисол учун, Бахмал туманидаги 5-мактаб 340 ўринга мўлжалланган бўлса-да, ўқувчилар сони 630 нафардан ортиқ эди. Шу боис хоналар етишмас, таълим-тарбия ишлари икки босқичда олиб бори-

маси томонидан 941 миллион 303 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Бундай қувонарли ишлар Фарғонада ҳам давом этапти. Вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Нодир Остонакуловнинг маълумот беришича, 1 та янги мактаб қуриш, 15 та мактабни капитал реконструкция қилиш, 11 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Энг кўп қурилиш-таъмирлаш ишлари Бағдод ва Учкўприк туманларидаги мактабларда амалга оширилмоқда.

— Учкўприкда 4 та мактаб ва 3 та МТМда қурилиш-таъмирлаш ишлари кетяпти, — дейди туман халқ таълими бўлими мурхандиси Абдумалик Қамбаров. — Биргина 19-мактаб-

Бахмал туманидаги 5-мактаб 340 ўринга мўлжалланган бўлса-да, ўқувчилар сони 630 нафардан ортиқ эди. Шу боис хоналар етишмас, таълим-тарбия ишлари икки босқичда олиб бориларди. Бу нафақат дарс самардорлигига, балки дарсдан ташқари машғулотлар ва тўғарак фаолиятини кўнгилдагидек ташкил этишга ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Мактаб жамоаси ва қишлоқ аҳлининг истақлари инobatга олиниб, қўшимча 340 ўринли бино қурилмоқда.

ларди. Бу нафақат дарс самардорлигига, балки дарсдан ташқари машғулотлар ва тўғарак фаолиятини кўнгилдагидек ташкил этишга ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Мактаб жамоаси ва қишлоқ аҳлининг истақлари инobatга олиниб, қўшимча 340 ўринли бино қурилмоқда. 1 миллиард 200 минг сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилган ишшоотда «Хайри» МЧЖ қурувчилари меҳнат қилмоқда.

— Янги бино ва қулай шароитлар машғулотлар сифатини ошириш имконини беради, — дейди мактаб директори Малоҳат Зимиёдуллаева. — Мактабимизда яна битта компьютер синфи ҳам очилмоқда.

Жиззах шаҳридаги 6-МТМнинг паҳсадан қурилган эски биноси ўрнида 70 ўринли янги иморат қад ростлаяпти. Объектда «Алфа плюс» хусусий фир-

да 1 миллиард 50 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Эшик ва дераза ромлари замонавийсига алмаштирилди. Мукаммал таъмирланган спорт зали барча қулайликларга эга, гигиена талабларига тўла жавоб беради. Физика ва кимё хоналари зарур воситалар билан жиҳозланди. Энди ўқувчилар дарс ва тўғарак машғулотларида лаборатория ишларини бемалол бажаришади. Иситиш тизими буткул янгиланиб, 6 та мини қозонхона қурилди. Эски темир қувурлар ўрнига пластик қувурлар ўрнатилди. Бу ўзгаришлардан нафақат ўқувчи ва ўқитувчилар, балки қишлоқ аҳли ҳам жуда хурсанд.

Несибеи МЕМБЕТИРЗАЕВА,
Махмуд РАЖАБОВ,
Абдусаттор СОДИҚОВ,
Шарифа МАДРАХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

2017 йилда Жиззах вилоятида битта янги мактаб

Мактаблар янги ўқув йилига шай

Умумтаълим мактабларида янги ўқув йилини кўнгилдагидек кутиб олиш, меъёрий ҳужжатларни талаб даражасида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Деҳқонobod туманидаги 70-мактаб жамоаси ҳам синфхоналарни янги ўқув йилига шай қилиб қўйди.

— Маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ҳомийлар кўмағида синфхоналар жорий таъмирланди, муассаса ҳовлиси ободонлаштирилди, — дейди мактаб директори Тоштемир Пирматов. — Мактабимиз табиий газ билан иситилгани

боис қозонхоналар кўздан кечирилди, темир қувурларнинг химоя воситалари таъмирланди. Қиш кунлари табиий газ босимининг пастайишми инobatга олиб, маҳаллий ўтин жамғарилди. 10 тонна кўмирга бюротма берилди.

Мактабдаги ободонлаштириш ишларини кўздан кечириш асносида бу ерда ўзига хос ташаббус йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик.

— Синфхоналарни янги ўқув йилига тайёрлашда «Энг намунали



Hozirlik — huzurlik

синф», «Энг гулга кон синф» каби ўндан ортиқ номинациялар бўйича кўрик-танлов жорий этдик, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Эшнӣз Махсумов. — Унга кўра, 2-«Б», 3-«Б», 7-«А», 9-«А» синфлар голиб деб топилди, синф раҳбарлари рағбатлантирилди.

Тумандаги 77-мактабда ҳам тайёргарлик ишлари муддатидан илгари ниҳоясига етказилди.

— Қиш кунлари электр ва газ таъминотидаги узилешлар вақтида ҳам хоналарни бирдек иситиш учун қўшимча равишда маҳаллий печлар ҳозирланди, — дейди мактаб директори Пирматов Ҳужақуллов. — Синфхоналарни янги ўқув йилига ҳозирлашда маҳаллий бюджет маблағларидан ташқари васийлик кенгаши ёрдан кўрсатди. Мактабимизнинг том қисми, ички ва ташқи фасадлари жорий таъмирдан чиқарилди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

2017-yil 1-sentabr, № 70 (9031)

Малакали ўқитувчилар етишмаслиги

муаммоси жойларда ўзига хос тарзда ҳал этилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига биноан 2017-2018 ўқув йилидан синфда ўқувчилар сонини 35 нафардан ошириб кетишига йўл қўйилмайди. Шу пайтда қатор мактабларда 40, ҳатто 50 нафаргача ўғил-қиз таълим олаётган синфлар бор эди. Айни пайтда мазкур синфларда ўқувчилар сонини белгилашни меъёрга мослаштириш учун қўшимча синфлар ташкил этилмоқда. Бу фан ўқитувчиларига эҳтиёжни янада оширади.

Шу кунгача ҳудудий ҳалқ таълими бошқаруви идоралари томонидан таълим муассасаларининг педагог кадрларига бўлган эҳтиёжи мактаблар ва туманлар кесимида ўрганиб чиқилди. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси берган маълумотларга кўра, янги ўқув йилида пойтахтимиздаги таълим муассасаларининг 1-синфига 48048 ўқувчи қабул қилинади. Ўқувчилар 35 нафардан оширилган ҳолда синфларга тақсимланганда билим масканларида 1403 та синф ташкил этилади. Бу қўшимча равишда 55 нафар бошланғич синф ўқитувчисига эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, ўқувчилар сонини 35 нафардан ортиқ бўлмаган ҳолда қайта тақсимланганда 5-синфда 1211 та, яъни қўшимча 54 та синф очилиши лозим. Умуман олганда, Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг юқори синфларида 1 ставка ҳисобидан 192 нафар ўқитувчига эҳтиёж аниқланган. Ушбу эҳтиёж олий таълим муассасаларини битирган 102 нафар ёш мутахассисларни ишга қабул қилиш, 24 нафар турдош фан ўқитувчиларини қайта тайёрловдан ўтказиш, 22 нафар муаллимнинг бола парваришlash таътилидан қайтиши ҳисобидан қондирилади. Қолган талаб ўқитувчиларнинг педагогик юкласини 1,5 ставкагача ошириш эвазига қопланади.

Кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдирришда билимли, юқори малакали, юксак педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни саралаб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Сергели туманидаги 6-ИДУМ ҳудудда рейтинг юқори мактаблардан. Кўплаб ота-оналар фарзанди шу билим масканида таълим олишини истайдилар. Натижада 2150 ўринга мўлжалланган мактабда бугун 3400 ўқувчи таҳсил олмақда. Мактаб маъмурияти ўқувчи сонини кўпайтириш инобатига олган ҳолда қўшимча синфлар очиб, жамоани малакали, билимли ўқитувчилар билан тўлдирришга интилиммоқда. Бу борада мактаб директори Дилором Эшмаматова шундай дейди:

— Мактабимизда ўқитувчилар ўртасида бир йилда тўрт марта фанлар кесимида ёзма иш ўтказамиз. Бу уларни доимий равишда ўз устида ишлашга ундайди. Педагоглар билими, маҳорати, ўқувчиларининг эришаётган ютуқлари, иқтидорли болалар билан ишлашга қараб директор фондидан мукофот пуллари ажра-



Jarayon

тилади. Ишга қабул қилишда ўқитувчиларни сўхбат ва тест синовидан ўтказамиз. Мактабимизда ҳеч бир ўқитувчига бир ставкадан ортиқ дарс берилмайди. Сабаби, 20 соатдан ортиқ дарс ўқитувчининг зиммасидаги вазифаларни оғирлаштиради. У ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриши, педюкламаларни бажариши керак. Таълим муассасаси юқори рейтингга эришиши учун, аввало, яхши кадрларни жамлаб билиш ва уларга қулай шароит яратиб бериш лозим. Ўқитувчиларимизнинг оилавий аҳоли, яқин йиллардаги режаларидан иложи борица ҳабардор бўлиб бораман. Яқин йилларда нафақага кетиш, фарзанд кўриш ёки иш жойини ўзгартириши режалаштираётган ходимлар ҳисобига бўшаб қоладиган ўринларни тўлдирриш чорасини кўриб қўяман. Кадрлар масаласида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидики Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти билан яқин ҳамкорлик ўрнатганимиз. Билимли, қобилиятли битирувчи-талабаларни мактабимизда амалиёт ўташга тақлиф қиламан. Жараён давомида биз уларни кузатиб, баҳолаб борамиз, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз ва ўзимизга манзур бўлган амалиётчиларни ишга олиб қолишга ҳаракат қиламиз. Мана, тургалланган ўқув йилида 2 нафар ўқитувчи нафақага кетди. Улар ўрнига мактабимизда бир неча ой мобайнида амалиёт ўтаб, шу вақт ичида ўқувчилар қалбидан жой эгаллаган 3 нафар ёш ўқитувчини ишга қабул қилдик.

Фарзандини таълим рус тилида олиб бориладиган синфларга бериб, “Болам ҳам тил ўргансин, ҳам билим олсин”, дейдиган ота-оналар талайгина. Уларнинг талаблари ҳисобга олиниб, аксарият умумтаълим мактабларида рус тилида таълим бериладиган синфлар очилаётир. Аммо таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ва синфларда фан ўқитувчилари етишмаслиги бугун катта муаммолардан бири. Айниқса, таълим рус тилида олиб бориладиган синфларга миллий истиқлол ғояси, физика, кимё каби фанлардан малакали, билимли, ва айниқса, узоқ муддат бир жойда фаолият юритадиган

ўқитувчиларга қўллаб мактабларда эҳтиёж сезилаяпти.

Олмазор туманидаги 224-мактаб жамоаси янги ўқув йилини катта ўзгариш ва тайёргарликлар билан қарши олмақда. 960 ўринли муассаса ўтган ўқув йилини 382 нафар ўқувчи билан яқунлаган эди. Айни дамда мактабда қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Янги ўқув йилидан таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар ташкил қилинади.

— Хозиргача 1-синфга 350 нафардан зиёд ўғил-қизнинг ҳужжати қабул қилинди, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилноза Умурзоқова. — Ота-оналар талабига кўра, 5 та таълим ўзбек тилида олиб бориладиган, 6 та рус тилида олиб бориладиган синфлар очилапти. Шунга кўра, муассасамизни кадрлар билан таъминлаш бўйича ҳам қатор чоралар кўряпмиз. Таълим рус тилида олиб бориладиган синфларга сабоқ бериш учун бошланғич таълим ўқитувчиларини ишга қабул қилиб бўлдик. Мактабимизда юз бераётган янгиликлар микроҳудудимизда яшовчи барча аҳолини хурсанд қилляпти. Натижада уларидан олисда жойлашган мактабларда таҳсил оладиган ўқувчилар ҳам яшаш манзилларига яқин бўлган мактабга қайтишяпти. Хозиргача янги ўқув йилида тахсилни бошлаш арафасида турган ўқувчиларимиз сонини 700 нафарга етди.

Фарзандини шу мактабга бериш ниятида келган ота-оналар билан сўхбатлашганимизда маълум бўлдики, улар мактабдаги янгиликларни, қурилиш-реконструкция ишларидан мамнун. Бироқ таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун бошланғич таълим ўқитувчилари мавжуд бўлса-да, юқори синфларда фан ўқитувчиларига эҳтиёж сезилмасмикан, деган хавотирни йўқ эмас.

Айтиш жоизки, шу кунларда бу муаммони ҳал этиш учун амалий қадамлар ташланган. Яъни, ҳудудий малака ошириш институтларида таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларни фан ўқитувчилари билан таъминлаш мақсадида ўзбек тилида дарс ўтувчи ўқитувчилар учун рус тилини бегул ўргатиш курслари ташкил этилмоқда. Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси маълумотларига кўра пойтахтимиздаги 55 та мактабда таълим тўлиқ рус тилида олиб борилади, 126 та мактабда эса рус гуруҳлари мавжуд. Жорий йил июль ойидан 60 нафар педагог рус тилида сўзлашиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўқув курсларида ўқини бошлаган. Бу малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплашнинг яна бир ўзига хос усулидир.

Зилола МАДАТОВА,
“Ma'rifat” мухбири

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

Ўтган ўқув мавсумида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказдик. Эҳтиёжманд, ёлғиз кексаларга меҳр-муруват кўрсатиб, уй ишларида кўмаклашдик. Маҳалла-кўй ичида ҳурмат-эътибор қозongan нуронийлар билан учрашиб, уларнинг мустақиллик, Ватан тинчлиги, мустақкам оила, фарзанд таълим-тарбиясини яхшилашга доир ибратли фикр-мулоҳазаларини тинглаб, маънавий озуқа олдик. Ўқувчиларда катта таассурот қолдирган учрашулардан бири Бувайда тумани Қўнғирот қишлоғида истиқомат қилувчи Икром ота Турғунов хонадониди бўлди.

«Ўзбекистон — менинг Ватаним», дейди украин аёли

Икром отанинг мўъжаз, саранжом-сарийшга ҳовлисига кирган кишининг бахридиди очилади. Ҳовли саҳнидан бошланган томорқага помидор, булғор қалампери, картошка ва бошқа сабзавотлар экилган. Майда чопикдан чиқарилган марзалар орасида биронта бегона ўт кўринмайди. Икром ота бизни кўриб, чехраси очилди ва сўридан тушиб, олдимизга келди. Салом-алиқдан сўнг, “Ота, бизга ҳеч қандай юмуш қолдирмабсиз-ку”, дея ҳазиллашдик. Бир зумда Вера она ҳам пайдо бўлди. Онахон ҳар биримизни яқин қариндошидек бағрига босиб, куюк сўрашди.

Нуронийлар билан анча гурунглашдик. Икром ота ва Вера ая бугунги дорилумон кунларга шўкрона келтириб, азоб-уқубатларга тўла ўтмиши, қийинчилиги сабр-матонати, соф муҳаббат ва мустақкам оиласи ҳақида ҳикоя қилиб, болаларни зериктиришмади.

— Бобонгиз билан Украина ерларида танишиб, бир-биримизга кўнгли қўйганмиз, — дейди Вера она.

— Уша пайтда мен Украинада ҳарбий хизматни ўтаганман, — дея кампирининг гапини давом эттирди Икром ота. — Бир кун “Коменка” қишлоғидаги дўконга кетаётсам, ўрмон ичидаги сўқмоқдан келишган, чиройли қиз чиқди. У билан олдинга-кетин дўконга бордик. Ун олишига навбатда турибмиз. Галимиз келгунча бир-биримиз билан танишиб, у ёқ-бу ёқдан сўхбатлашдик. Шу кундан бошлаб Вера билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Юртимга қайтиш олдинда Веранинг ота-онасига “Қизингизни ёқтириб қолдим, уйланиб, Ўзбекистонга олиб кетмоқчиман”, дедим. Улар фарзандининг олсига кетишини истамай, рад жавобини берди. Қизининг менда кўнгли борлигини билгач, икки йил кутиш шарт билан рози бўлишди. Муҳаббатимга эришиш учун яна икки йил ҳарбий хизматда қолиб кетдим.

Икки ёш Ўзбекистонга қайтгач, Икром ота дехқончилик ишларига кўмилди, Вера она эса уй-рўзгор юмушларига қарашарди. Мирзақўлда биргаликда меҳнат қилишди. Жамоа ҳўжалигидаги 83-мактаб-интернатда фаолият юритишди.

— Вера она, Ўзбекистон шароитига мослашиб, бу ернинг урф-одат ва маданиятига қўниқингиз қандай бўлди? — дея сўради ўқувчилардан бири.

— Дастлаб янги муҳитга мослашишга қийналдим. Оила аъзоларим, кўни-кўшчилар, маҳалла-кўй билан танишиб, дўстлаша бошлагач, уларнинг кўмағида билмаган ишларимни ўргандим. Нон ёпиш, сигир соғиш, томорқа экинлари парваришини тезда ўзлаштириб олдим. Ҳалол меҳнатимиз эвазига уй қурдик, тўйлар қилдик. Тақдирим Ўзбекистон билан боғлиқ бўлганига асло афсусланмайман — бу ер менинг Ватаним.

— Украинага ҳам бориб турасизми? — сўрайман Вера онадан.

— Албатта. 3 ойда қайтаман, дея уйдан чиқиб кетиб, 10–15 кунда бу ёққа қараб шошаман. Чунки Ўзбекистонимни, фарзандларим, ҳамқишлоқларимни соғиниб қоламан-да, — дейди фахр билан украин аёли.

4 ўғил, 4 қиз, 38 невар, 29 чеварага бош-қош бўлиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган отахон ва онахон билан сўхбатимиз қизиқарли, мазмунли кечди. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларга нуронийлар батафсил, ҳаётини мисоллар билан жавоб берди. Икром ота ва Вера она қай мустақкам оила кўрғонини бунёд этган инсонларнинг ҳаёти ўқувчилар учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб қолаверади.

Баҳромжон МАМАДАЛИЕВ,
Бувайда туманидаги
2-ИДУМИ ўқитувчиси

Давлат озодлиги, сўз эркинлиги, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, бир сўз билан айтганда, тўлақонли суверенитетга эришган мамлакатлар ҳар йили асосий миллий байрам — Мустақиллик кунини катта тантана билан нишонлайди. Бугун дунёнинг аксар халқлари ушбу байрамни ўтказишдек бахтга муяссар.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг қадри баланд, баҳоси йўқ. Шунинг учун ҳам халқлар ўз мустақиллигини миллий байрам сифатида кенг нишонлайди, ўзгача шуқуҳ ва ифтихор билан қаршилайди.

Ер юзида ўз мустақиллигини нишонлаётган мамлакатларнинг кўпи бир пайтлар Европанинг қудратли давлатлари мустамлакаси бўлган. Айрим Шарқ-Европа мамлакатларини ҳам ўз ичига олган Европа мустамлакачилиги XIX аср бошидан то XX аср ўрталаригача давом этган миллий озодлик ҳаракатлари, тинимсиз курашлар натижасида емирилган, кўпчилик давлатлар халқларининг елкасига офтоб теги. Худди шундай ҳолат совет иттифоқи ич-ичидан емирилиб, буткул парчаланиб кетган, унинг қўл остидаги давлатлар мустақилликка эришган йилларда ҳам кузатилди.

Дунё мамлакатлари тарихида инқилоблар кўп бўлган. Шу боис ўз мустақиллик кунини «инқилоблар ғалабаси» билан боғлайдиган давлатлар ҳам оз эмас. Шулардан бири Франция бўлиб, Бастилия қўлга киритилган кун мамлакатда мустақиллик байрами саналади.

Бир қарашда, дунёнинг деярли барча мамлакатлари мустақиллик кунини нишонлайди. Аммо айрим мамлакатларда шундай истиснолар борки, уни бошқа жойда кўрмаймиз. Масалан, Таиландда қирол туғилган кун негацир мустақиллик байрами сифатида нишонланади. Испанияликлар учун эса Христофор Колумб Америка қитъасига қадам қўйган кун миллий байрам саналади. Португалияда бу сана халқ шоири Луис Камоес вафот этган кунга тўғри келар экан.

Ўзининг кўплаб антиқа удуллари, аъёналари ва ҳаёт тарзи билан донг таратган гренландияликлар учун эса йилнинг энг узун кун мустақиллик байрами ҳисобланади. Ирландияда эса атиги иккита миллий кун бор. Биринчиси диний байрам, иккинчиси 1921 йилда Англия устидан ғалаба қозонилган сана — мустақиллик кунидир.

Ер юзида фақат иккита мамлакат — Буюк Британия ва Данияда мустақиллик кунини расман қайд этилмаган. Данияда миллий байрам сифатида иккита муҳим сана бор. Аммо иккиси ҳам расман белгилаб қўйилмаган. Улар конституция қабул қилинган (1849) ва давлатнинг немислар истилосидан озод бўлган санаси (1945). Бу каби истисно ҳолатини Японияда ҳам кузатиш

мумкин. Аслини олганда, японлар бошқа халқлар қатори ўз миллий байрамларига эга. Мамлакатда мустақиллик кунини миллодий йилгача бўлган VII асрда тахтта ўтирган илк япон императори давридаёқ байрам сифатида қабул қилинган. Бироқ ҳозир бу сана император давридаги сингари кенг ва оммавий тарзда нишонланмайди.

Ким қандай нишонлайди?

Мустақиллик кунини, аввало, миллий ва умумхалқ байрами. Унда ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатлари, аъёналари, азалий қадриятларию асрий армонлари, изтироблари, орзулари акс этади. Масалан, Украина ҳар йили 24 августда ўз давлат мустақиллигини тантана қилади.

Канадаликлар мустақиллик кунини 1 июлда нишонлашга одатланган, аммо байрам «Канада кунини» сингари катта тантана саналмайди. Шундай бўлса-да, сана муносабати билан халқ турли байрамона намоишлар, карнаваллар ташкил этади, мамлакатнинг диққатга сазовор гўшаларига сайрга чиқиб, мушакбозликлар уюштиради. Кўчаларда ташкил этиладиган томошаю куй-қўшиқлар шодлик ва бахтни, муҳаббат ва садокатни тараннум этади. Шу кун нафақат пойтахт Оттавада, балки бошқа шаҳарларда ҳам байрам шуқуҳи кезиб, кишиларга ёқимли таассуротлар улашади.

4 июлда мустақиллик кунини кенг нишонланадиган АҚШда ҳам ҳуррият ва озодлик ўзгача қадр қимматга эга. Ушбу шодиёна, айниқса, маҳаллий халқ — ҳиндулар ва қора танли америкаликларга янада кўпроқ завқ улашади. Шу кун мушакбозликлар тун чехрасини турфа нурулар билан безайди. Тинчлик ва озодлик розолат ва қуллик устидан ғалаба қозонган муҳим сана сифатида яхшилар дунёсига шодлик башх этади. Дид билан безатилган байрам дастурхони, мамлакат бўйлаб таш-



Мустақиллик — қулғ бахт айёми

Бу байрам фақат озод юртдагина
нишонланади!

кил этилган турли томошалар, ҳарбийларнинг озодлик учун кураш сахналари кишиларни бефарқ қолдирмайди. Хурлик — бу голиблик, деган гоъни шуурига сингирган америкаликлар давлат байроғи рамзи туширилган либосларда кўчага чиқади. Айниқса, Миллий хиёбон одамлар билан тўлади.

Юқорида айтганимиздек, французлар учун Бастилия қўлга киритилган кун мустақиллик айёмидир. Байрамда сайёҳларнинг сеvimли шаҳри — Париж кўчалари мушакбозликдан янада ёришиб кетади. Бироқ ҳақиқий байрам кейинроқ бўлиб ўтади. Машҳур «Ўт ўчирувчилар базми» миллий байрамнинг асосий тантанаси ҳисобланади. Ўт ўчирувчилар иштирокидаги кенга оқшом соат 9 дан тонгги 4 гача давом этади. Шу кун ҳарбийларнинг тантанавор юришлари, шаҳдам ҳаракатлари Париж кўчаларини ларзага солади.

Британиянинг узоқ йил давом этган мустамлакасидан эзилган хинд халқи учун 1947 йил 15 августда қўлга киритилган мустақиллик чинакам ҳуррият тантанаси, озодлик ғалабаси бўлди. Бу кунни орзиқиб кутган мамлакат ҳар йили мустақиллик айёмини катта шодиёна билан нишонлайди. Бу юртда мамлакат бош вазирини Хиндистон байроғини музаффар кўтариб, Дехлидаги Қизил қўргонда нутқ сўзлаб, байрамни очиб бериши одат саналади. Шундан сўнг осмонга озодлик рамзи — шиширилган ҳаво илонлари учирлиб, соат сайн авжига чиқадиган байрам томошалари бошланиб кетади.

Жанубий Кореяда мустақиллик кунини арафасида исбатан энгил жазо билан озодликдан маҳрум этилган инсонлар қамоқхонадан озод этилади. Байрам кунини эса Кореянинг Мустақиллик залида тантана муносабати билан расмий маросим ўтказилади. Унда президент нутқ сўзлаб, ўз халқини озодлик кунини билан қутлагач, барча биргаликда мустақиллик кўшигини қўйлади. Қалбларни тўлқинлантирувчи маросимдан сўнг мамлакат



бўйлаб байрам шодиёналари бошланади.

Ер юзида мустақиллик байрамини гаройиб ўйинлар билан ўтказадиган халқлар ҳам бор. Индонезия шулардан бири бўлиб, бу кун барча «*panjat pinang*» атрофида айланади. Ўйин учун ёнғоқ дарахти, совғалар ҳамда кўпроқ мой керак бўлади. Аввал энг баланд шохига совғалар қўйилган ёнғоқ дарахти яхшилаб мойланади. Сўнг исталган икки киши бир-бирининг танасидан нарвон сифатида фойдаланиб, дарахт тепасига тирмашиб чиқа бошлайди. Маррага етгач, совғалардан бирини олиб, ортга қайтади. Ўйин шу тарзда давом этади. Индонезияликлар байрамни қизиқарли ўйин ҳамда юқори кайфиятда ўтказишга одатланган.

Австралияда мустақиллик кунини ёз фаслига тўғри келадди. Австралия байроғи туширилган либосларни кийиб, байрам томошаларида иштирок этадиган аҳоли ўз ватанига бўлган муҳаббатини яна бир бор қалбига жо этади. Мельбурнда ташкил этиладиган бир кунлик катта байрамда миллий аъёналар ҳамда урф-одатлар намоиш этилади. Айтиш жоизки, австралияликларнинг миллий либос ва одатларини томоша қилиш сайёҳларга ҳам жуда қизиқарли лаҳзаларни тақдим этади.

Жўшқин ҳаёт тарзини хуш кўрувчи, қизиққан ганаликлар мустақиллик тантанасини баралла шовқин-сурон билан нишонламаса ҳисоб эмас. Байрам Аккрада бўлиб

ўтадиган расмий намоиш билан бошланади. Ўз мамлакатини ниҳоятда севадиган ганаликлар учун озодлик кунини ҳаётидаги энг муҳим шодиёна бўлгани боис кун давомида чинакам байрам кайфияти ва руҳиятини намоён этади. Ўз-ўзидан бошланиб кетадиган кўча тантаналари, қувноқ кечалар ҳамда миллий рақслар ҳар қандай кишига бир олам завқ бағишлайди. Ганаликлар шу кунни гўё қайтадан туғилгандек бўлади.

Шукрки, озод ва обод мамлакатлар орасида бизнинг жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон ҳам бор. 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунини. Бу тарихий ва унутилмас сана 26 йилдирки қалбларни ҳажонга солади. Узоқ йиллар давомида аждодларимиз орзуси бўлиб келган мустақиллик айёми бугун

диёримизда катта шодиёна, чекисиз қувонч ва гурур билан нишонланади. Мамлакатимиз озодликка эришган кун ҳар бир юртдошимиз қалбига шукроналик, хотиржамлик туйғуларини мавжлантириб, ифтихор ҳиссини уйғотади. Байрам шодиёналари миллий урф-одат ва қадриятларимиз билан уйғунлашиб, унутилмас онларга айланади. Юртимиз бўйлаб байрам шуқуҳи кезади.

Бугун дунёда озодлик тантанаси ҳукм сураётган бир пайтда маънавий қарамлик, манипулятив курашлар ва «оммавий маданият» тасирини кучайиб бормоқда. Афсуски, бундай маънавий маҳдудликка қарши бирор қурол ёки куч ишлатишлар билан курашиб бўлмайди. Асрлар давомида миллат озодлиги учун курашган халқлар эндиликда маънавий мустақиллигини сақлаб қолиш илмин-жиди.


Дунёда неки халқ, қайсики миллат бўлса, бари яхши яшашни, ўз ҳаётига ўзи соҳиблик қилишни истаيدди. Аммо бундай неъматга осонликча эришиб бўлмайди. Эришилгач, уни кўз қорачиғидек асраш, балолардан, ёмон кўзлардан муҳофиза этиш керак. Зеро, мустақиллик асоси, замини — тинчлик ва хотиржамлик аталмиш буюк неъмат қадрига етмоқ ҳар биримизнинг бурчимиз! Бунинг бир сония бўлса-да, ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Ирода ТОШМАТОВА
тайёрлади.

2017-yil 1-sentabr, № 70 (9031)

ҚОР БЎРОНИ КУЗАТИЛДИ

Франция ва АҚШлик геофизиклардан иборат илмий гуруҳ Марс сайёрасида қор бўрони кузатилгани ҳақида хабар берди. Тадқиқотга оид маълумотлар «Nature Geoscience» журналида эълон қилинди.



Олимларнинг айтишича, қор бўрони қуёш ботғач, сайёрадан 10–20 км баландликда тўпланган булутлардан ёғилган. Қоронғилик кучайгани сари булутларнинг ички ҳарорати ўртача 4 градусга пасайиб, атмосферанинг юқорига йўналган иссиқ оқимиға қоришиб кетиши натижасида шу ҳодиса юз берган бўлиши мумкин.

Кузатишлар яна шуни кўрсатдики, тунда Марсда муз парчаларини сониясига 10 метргача учирувчи шамол эсган. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, муз бўлақларининг 1-2 км баландликдан тушиши учун 5–10 дақиқа кифоя. Айнан мана шу юқори тезлик қор бўронини юзага келтирувчи сабаблардан бири сифатида қайд этилмоқда.

Бунинг учун тадқиқотчилар Қизил сайёранинг учта иқлим моделини бирлаштирди. Авваллари тадқиқотчилар Марс атмосферасидаги шароитни олдиндан айтиш учун бир марта бу моделдан фойдаланган.

Дарвоқе, Марсда қор мавжудлигини илк бор 2008 йилда «Phoenix» тадқиқоти қатнашчилари аниқлаган. Улар, шунингдек, Миррих кутбидаги ҳодисаларни кузатиб туриш мумкинлигини ҳам қайд этган.



кўкка сочилган қурумлар юлдузлар юзасига тарқалиб, уларнинг қора рангда кўринишига сабаб бўлади.

«RCB» — ўз ёруғлигини қутилмаганда ўзгартириб турадиган ўзгарувчан юлдузлар туркуми. Бундай юлдузларда водород деярли бўлмагани боис гелий углеродга айланиб порлайди. Ушбу юлдузлар вақти-вақти билан қурумларга бурканади ва қора «либос» кияди. Одатда қуёшсимон юлдузлар ҳаётининг сўнгги босқичида ҳам водородсиз қолади.

Олимлар АҚШдаги «ММТ» расадхонасида жойлашган телескоп ёрдамида оппоқ парли иккита қисқа яшовчи системани кузатди. Биринчиси 46

дақиқада ўзгарган бўлса, иккинчиси 40 дақиқада бошқа тусга кирган. Бу буглардан бири тўсувчи ҳисобланиб, вақти-вақти билан «рақиб»нинг йўлини тўсиб қўяди.

Айтиш жоизки, бу каби системалар Сомон йўлида кўпроқ кузатилади. Галактикадаги RCB-юлдузлар сони эса юзтача атрофида.

ЯХШИ ЭШИТИШНИНГ ЗАРАРИ

Британиялик ва португалиялик олимларнинг яхши эшитиш қобилияти руҳий саломатлик билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тадқиқот иши «Brain» журналида эълон қилинди.



Мутахассислар бунда эшитиш қобилияти яхши шаклланган кишилар орасида товуш галлюцинацияси ривожланганини инобатга олди. Бундай инсонлар ҳатто шовқинли жойда ҳам паст частотали овозларни эшитади.

Бу ҳулосага келгунга қадар олимлар яхши эшитиладиган инсонлар бош миясини магнит-резонанс томография текширувидан ўтказди. Афсуски, тажрибага жалб этилганларда

оддий инсонларга нисбатан 3-4 қарра кўпроқ руҳий мувозанатнинг бузилиши кузатилди. Тадқиқотда иштирок этган 34 нафар кўнгилнинг тенг ярямида эшитиш қобилияти яхши даражада бўлган.

Мутахассисларнинг кузатишича, тахминан ер юзидagi одамларнинг 15 фоизи узоқдаги бегоналар овозини ҳам аниқ эшитади. Ушбу фавкулда қобилият инсонларнинг ҳаётий тажрибаси, аввал эшитган эсларини идрок қилиш, хотирлаш жараёни ҳамда бунга бош миянинг тезкор жавоби самараси экан.

ҚУЁШДА ИШЛАЙДИГАН СВЕТОФОР

«Известия» нашрида ёзилишича, Россия пойтахти Москва шаҳрида электр энергияси манбаига уланмай ишлайдиган илк светофор синавдан ўтказилди.

Қуёш батареясидан қувват оладиган ушбу светофор шаҳардаги Зенинск шоссеси ва Кожуховская Горка кўчаси чорраҳасига ўрнатилди.

Светофор тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, батареянинг ўзи қуёшдан қувватланади. Энг қизиғи, қурилма қоронғида ҳам ишлайверади. У бунинг учун кундузи аккумуляторга қўшимча энергия тўплаб олади. Бу универсал аккумулятор ҳатто булутли кунда ҳам қувватланаверади.

Москва йўл ҳаракатини ташкиллаштириш маркази масъулларининг сўзларига кўра, бу светофор харажатлари аънавий светофорникидан анча камроқ. Қолаверса, бундай светофорларни ток манбалари бўлмаган ёки ўнлаб километр кабель тортиб бориш талаб этиладиган чекка ҳудудларда ҳам ўрнатиш мумкин.



Ирода ТОШМАТОВА ва ЎзДЖТУ талабаси Мафтуна ПИРНАЗАРОВА тайёрлади.

УММОН — ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

«NHK» телеканалининг хабар қилишича, Японияда океanning қуйи оқимидан электр энергиясини ҳосил қилиб берадиган дунёдаги биринчи қурилма иختиро қилинди. Улкан механизм Тинч океанининг маълум ҳудудида синавдан ўтказилди.

Энергетик қурилма 20–50 метр чуқурликкача туша олади, ҳар бири 20 метр узунликка эга учта цилиндрдан иборат. Генераторлардан иккитасининг ички қисмига диаметри 11 метрга тенг иккита паррак ўрнатилган. Учинчи генератор эса тизимнинг турғун ҳолатда ишлашини таъминлайди. Қурилма аслида 100 киловатт ток ишлаб чиқаришга қодир бўлса-да, дастлабки синов жараёнида эҳтиёткорлик учун атиги 30 киловатгача электр энергияси ҳосил қилинди.

Мазкур генератор тезоқар оқимлардан бири Куросио йўлига жойлаштирилди. Япониянинг жануби-ғарбий вилоятида жойлашган Күтиносима оролларида ўтказилган илмий тажриба салкам беш сутка давом этиб, муваффақиятли якунланди.

Мутахассислар сув электростанциясининг ишлаш муддатини узайтириш ниятида. Объектнинг тўла ишга туширилиши эса 2020 йилга режалаштирилган.



ЮЛДУЗЛАР НЕГА ҚОРАЯДИ?

Оклаҳома штати университети астрофизиклари фазода бир-бирига тобора яқинлашаётган оппоқ буглардан иборат иккита бинар системасини аниқлади. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу объектлар тўқнашиб кетиши учун ҳар қандай ҳолатда ҳам 20–35 миллион йил вақт кетади.

Агар ушбу тўқнашув юз берса, самода «RCB» экзотик юлдузлари пайдо бўлади. «Phys.org» сайтыда нашр этилган мақолада келтирилишича, тўқнашувдан сўнг юзага келадиган кучли ёнғин ёки портлаш натижасида

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўқувлар

Ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли пунктлари ва иқтисодий тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин ҳудудда қолган одамларни, жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкни қутқариш, давлат ёнғин назоратини олиб бориш бўйича ўтган давр мобайнида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги «Phy.org» сайтыда нашр этилган мақолада келтирилишича, ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари

фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилари томонидан турли ташкилот, идора ва корхоналар, тадбиркорлик субъектлари раҳбар ходимларини ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, июль-август ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сайёр ўқув-амалий машғулотлар ўтказилди.

Яқинда Ёнғин хавфсизлиги инсти-

тутуда ташкил этилган ана шундай ўқув машғулотида Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакиллари ҳамда институт профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Тадбир иштирокчиларига мутахассислар томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш усуллари, инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, қутқариш ҳамда моддий бойликларни асраш бўйича билим ва кўникмалар шакллантирил-

ди. Ёнғинни келтириб чиқарувчи воситалардан нотўғри фойдаланиш, техник носоз асбоб-ускуналарга бепарволик оқибатида келиб чиқадиган талофатлар ва кўнгилсизликлар акс эттирилган видеоролик намойиш этилди.

Тадбир доирасида амалий ўт ўчириш машғулоти, ёнғин хавфсизлигини таъминловчи ва ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган техника воситалари кўргазмаси бўлиб ўтди. Шунингдек, институтда таҳсил олаётган курсантларнинг ёнғин содир бўлганда тезкор ҳаракатланиш тартибига доир чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Фарҳод ХОЖАЕВ, Бобур ТУРДИАЛИЕВ, Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти ходимлари

— Василиса Андреевна, биз кеч қайтамиз. Бизни кутмай овқатланаверинг.

— Мамуль, ўзингни уринтириб, овқат қилиб юрма. Совуткичда ҳамма нарса бор. Мана, телевизор, ана радио — мириқиб дам ол. Ҳафта охирларида, кўлимиз бироз бўшагач, у-бу жойга борамиз. Зерикиб қолмайсан, деб умид қиламан.

Василиса Андреевна қизи ва куёвини ишга кузатгач, ошхонани бироз эпакча келтирган бўлди. Стол устини йиғиштирди, идишларни ювди. Қизи кун бўйи ишда, уй юмушларига вақти йўқлиги кўриниб турибди, ҳамма нарса бесаранжом. Каталакдай тўрт девор ичида сиқилиб ўтиргандан кўра, иш билан овунишни маъқул кўрди. Чанглари артки, хоналарни бироз тартибга келтирди. Кейин вақт ўтказиш учун пешайвонга чиқиб, деразадан ўтган-кетган машиналарни, йўловчиларни кузатган бўлди.

Бир неча кундирки, аҳвол шу. Дам у хонага қиради, дам бунисига. Ўзи билан ўзи гаплашиб, кунни кеч қилади. “Мен Москвада яшолмайман. Иссиқ ўрнини совутма”, деб қизига қанча ялинмасин, кор қилмади: уни ўзи билан олиб кетди. Айтганидай, бу ернинг об-ҳавоси, шарт-шароитига кўникаши қийин кечяпти. Айниқса, охириги уч-тўрт кун ичида тоза зерикди. Ўз уйини, маҳалласини кўмсай бошлади. Маҳалладагилар уни эъзолаб “Васила хола” деб чақиршади. Москвага кетишдан бир кун олдин кўни-кўшнлар унинг уйига йилгиди. Улар Васила холасининг кўчиб кетаётганини эшитиб, астойдил ранжиди: “Нега бизни ташлаб кетяпсиз? Сизни ёлғизлатиб қўйдикми? Кетманг”, дея қаттиқ қаршилик қилдилар. Ўзига қолса-ку, бир кунга ҳам уйини ташлаб кетмас эди. Москвада туғилган бўлса-да, умрининг олтинчи йили мана шу серкўёш юртга ўтди. Шу ерда турмушга чиқди, фарзанди бўлди. Дўст-ёрабри, жигаржон кўшнларини ташлаб кетиш унга ҳам осон бўлмади. Қизи Марина қийин-қистовга олавергач, ахйри кўнишга мажбур бўлди.

...Самолётдан тушиши билан изгирин ва зах ҳаводан Василиса Андреевнанинг оёғи зирқираб оғрий бошлади. “Ҳаҳ, қурмағур-а! Совуқни дарров сезади-я!”, хаёлидан ўтказди у. Юзи оғриқдан буришиб кетган онасини кўриб, қизнинг юрагига гулгула тушди. “Ишқилиб, касал бўлиб қолмасин-да. Одам кексайганда ёш болага ўхшаб қолади, дейишгани бежиз эмас экан”, ўйлади саросимада.

Аэропортда уларни куёви кутиб олди:

— О, Василиса Андреевна! Сизни кўрганимдан хурсандман! — куёвининг мурожаатидан онахоннинг энсаси қотди.

— Мен сизнинг ўқитувчингиз эмасман, ўғлим, — деди. — Ойи, деёлмасангиз, хола деб чақира қолинг.

— Сиз холам эмассиз-ку! — илжайди куёви.

— Бизда ёши улуг одамларни момо, бобо деб чақиршади.

— Бобо — это баба? Момо — мама? — деди куёви ҳайратланиб.

— Дедушка, бабушка, дегани, Саша! — қизи эрини туртиб қўйди. Куёв тушунмагандай елка қисди.

Уйга кириб келганларида, оёғи хануз азоб бераётган Василиса Андреевна ўтиришга жой излаб қолди.

— Мамуль, садись! — У қизи кўрсатган диванга ўтирган эди, ичига чўкиб кетгандай бўлди. Ўтиролмади. Куёви стул олиб келди. Оёғини осилтириб ўтириш малол келди. “Қариб миям айниб қолдимми? Намунча инжиқ бўлиб кетдим?” — Василиса Андреевна қизига кўрпача тўшашни буюрди.

— Мамуль, кўрпача йўқ, — эсанкиради қиз.

— Кўрпача бўлмаса, аёл бодир, тўшашга?

Марина зинғиллаб аёл олиб чиқди. Василиса Андреевна энди ёстиқ олиб чиқишни айтди.

— Қизим, ўзбекча одатларни тамоман унутиб юборибсан-ку!

ИЛИНЖ

Хикоя

— Мамо, — куёви ўзича момо деган бўлди, — ухламоқчимисиз? Ёстиқ нега?

— Мамо эмас, момо! Ёстиққа суяни-иб, оёғимни чў-ўзиб ўтироқчиман, болам.

Амаллаб ерга жой тайёрлашди, дастурхон ёзиб, шу ерда тамадди қилишди. Ўрганган олати-да! Қариганингда оёғингни узатиб, яйраб ўтиришга нима етсин! Лекин барибир татимади, ўз уйидагига ўхшамади. Эски ҳовлиси кўз олдига келиб, юраги ўртанди. Атрофига ёр айлана район эканлигидан пастаққина чорпоясини эслади. Бетига опшқўк тўғралиб, қаттиқ солинган мошқўрда ичгиси келиб, гипт этиб ютунди. Яхшиямки, тандир нони бир халта олволган экан. Барака топкур кўшниси Ҳалимаҳон ҳар ҳафта нон ёпиб беради. Ён кўшниси эса, ҳар тонг кўча эшик атрофига сув сепиб, супуриб қўяди. Кунда-кунора кўни-кўшнлар Васила холасиндан хабар олади, бирор коса иссиқ овқат кўтариб чиқади. Кексайганда одам ярим коса таом билан ҳам қаноатланади. Гап овқатда ҳам эмас. Ёйтиборди! Бу ерда-чи? Биров билан бировнинг иши йўқ. Ким келди, ким кетди, биров қизиқмайди ҳам.

Тунов кунни кечки овқатдан кейин тўрт девор ичида диққинафас бўлиб, сиқилиб кетган Василиса Андреевна тоза ҳавода бироз сайр қилмоқчи бўлиб, қизи билан пастга тушди. Майдонча болалар билан тўла, хиёбонда ҳам одам талайгина эди. Бироқ ҳеч ким Василиса Андреевнага парво қилмас, ҳамма ўзи билан ўзи овора.

— Улар катталарни кўрганда салом бермайдиларми? — сўради ҳайрон бўлиб.

— Мамуль, қизиқ гапларни гапирасан-а! Сени танимайдилар-ку, — қизи елка қисди.

— Таниши шартми? Саломлашиш яхши одат-ку.

— Бунга уларнинг вақти йўқ, кўрпача-ку, ҳамма қаёққадир шовшан.

— Шовша нима қилпти? Ахир, бу кўп вақтни олмайди.

Василиса Андреевна ўзи рус миллатига мансуб бўлишига қарамай, ўзбекининг нон-тузини тотган, ўзбекона тарбия олган, сермулозамат ва хушмуомала аёл эди. Бу тахлит ҳаёт тарзи унга жуда эриш туюлди.

Яна бир кун майдончада ситарет чекиб ўтирган йигитчани кўриб, унга қаттиқ танбеҳ берди. Ота-онанга айтиб бераман, деб кўрқиди. Йигитча аввалига ҳайрон бўлиб, анграйиб қолди. Кейин кўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида дўқ ура кетди:

— Сизга нима, кампир? Сизнинг пулингизга чекапманми? Ишингиз бўлмасин! Насиҳатингизни уйингизда қиласиз!

Василиса Андреевна каловланиб қолди, у бундай муомалани кутмаганди. Кечга бориб қизига бу воқеани сўзлаб берди. Марина онасининг куйди-пишдилигидан қизишиб кетди:

— Сизга шу керакми, мамуль? Бу ерда биров насихатингни олиши дарғумон.

— Ие, ахир, бир болага етти кўшнни ота-она дейишади-ку! Қандай қилиб индамай қараб турасизлар?

— Бизда шунақа! Бировларнинг ишига аралашма, мам!

Василиса Андреевна мунгайиб қолди. Кун сайин ўз уйи, маҳалласи, кўни-кўшнларини қаттиқ соғина бошлади. Одамлари ва одатлари бошқача юртга кўниқолмаётти. Кеча тўсатдан манти егиси келди. Бир уй наридаги кўшниси Манзура мантипаз, кунора тўртта манти билан йўқлаб чиқарди. Қули ва тили ширин бу аёл билан узоқ чақчақлашиб ўтифар эди. Манзурахоланинг мантисини кўнгли тусаган Василиса Андреевна қизи ва куёви келишига ярим ҳасқон манти туғишни ўйлаб қўйди. Бироқ мантиқасқон йўқ экан. Кўшнлардан сўраб кўрайчи, деб уч-тўрт кўшннинг эшигини тақиллатди, ҳеч ким очмади. Кечқурун қизига шу ҳақда оғиз очди:

— Марина, мантиқасқон топишининг иложи борми?

Маринанинг мовий кўзлари катта-катта очилиб кетди:

— Мам, фақат хамирли овқатдан гапирма. Ахир, унинг қанчалар зарарлигини биласанми? Калориясини-чи? Мутлақо мумкин эмас бу. Саша ҳам ёқтирмайди хамирни. Бадҳазм таом!

— Шунча йил манти еб, касал бўлганим йўқ-ку, болам...

Василиса Андреевна катта бу шаҳар унга торлик қилаётганини, муломул булутли бу макон унинг жойи эмаслигини кун эмас, соат эмас, дақиқа сайин англаб борарди. Зулмат қоплаган осмонга термулиб, куёшни кутиб чарчади. Одамлардан меҳр, эътибор, ширин сўзга интиқ бўлиб чарчади. Ҳамма ўз иши, ўз ҳаёти билан овора. Василиса Андреевна гўё кичик бир хас, уни ҳеч ким пайқамас, пайқаса ҳам қизиқмас эди.

Кўп ўтмай у бетоб бўлиб ётиб қолди. Куёви ва қизи дарҳол шифокорни чақирди. Беморни обдон кўздан кечирган шифокор унда хас-талиқ аломатларини кўрмади. Фақат ҳаво алмаштириши кераклигини

айтди. Қизининг боши қотди. Таътил ололмади, ўзи яқиндагина таътилдандан чиқди. Ҳафта сўнгида бир амаллаб вақт топиб, шаҳар четига олиб чиқади. Зора кенг далалар, ўтлоқларнинг тоза ҳавосидан баҳраманд бўлиб, тузалиб қолса.

— Маша, Маша, — алаҳлади уйку аралаш онаси.

— Эшитяпман, гапиравер, мамуля, — қизи умид билан онаси томон энгашди.

— Уйда нон қолмапти...

— Ойи, нималар деясан?

— Ҳалима чиқдимми? Нон ёпиб бераман, деганди...

Онаси ё тушида, ёки хаёлида ўз уйини эслаб, алаҳлаётганини англаган қиз жавоб қайтарди:

— Ҳа, ҳа, чиқди! Бирга нон ёпиқ, ойи, хавотир олма...

Бу ҳолатни кўрган шифокор Маринадан нима гаплигини сўради. У яқинда онасини Ўзбекистондан кўчириб олиб келганини айтди. Шунда шифокор беморнинг касаллиги сабабини тушуниб етгандай бўлди:

— Агар онангиздан айрилиб қолишни истамасангиз, тезда уни ўз юрting элтинг... Соғинч юрагини кемириб адо қилмасидан аввал улгуринг.

Марина онасининг реза-реза тер қоплаган пешонасидан ўпар экан, фақат ўзини ўйлаб, онасининг гапига кирмай, уни мусофир юртга кўчиб келишга мажбур қилганидан афсусланди. Кекса дарактини илдири билан ердан кўпориб олиб, бошқа жойга кўчириш, унинг ёт тупроққа мослашиб, қад ростлашини кутиш аклеизлик эканини тўпунди. Онаси учун ўз юртининг ҳавосидан ўзга шифо йўқлигини англади.

Эрталаб базўр қўзини очган Василиса Андреевнанинг димоғига таниш, ёқимли ис урилди. Туш кўрпача, шекилли, дея хаёлидан ўтказди. Бироқ таниш ис тобора кучлироқ таралгач, бунинг туш эмаслигини англади. Шунда хонага қизи Марина кириб келди: қўлида патни тутган, унда ҳовур қичиб турган пиёла.

— Ойи, тузукмисан? Қара, мен ҳолвайтар пиширдим, сенга ёқади-ку, а?

Онаси тамшаниб қўйди. Бошини кўтаришга уринди. Марина ёрдамлашди.

— Сен... билмасдинг-ку?

— Интернетдан ўргандим. Биринчи марта қилишим, ўхшамаган бўлса, айбга буюрмайсан...

Василиса Андреевнанинг кўзларида ёш айланди. Қизи унинг кўнгли тубидаги кечинмаларини тушуниб етганидан хурсанд эди.

— Салом, Василиса Андреевна! — хонага куёви шўхчан кулиб кириб келди.

— Болам, ҳеч бўлмаса, Васила хола, деб чақиринг...

— Аха, Васила хола! Сизга бир сюрприз бор...

Марина кулиб қўйди, Василиса Андреевна нима гаплигини тушунмай, илҳақ тикилди.

— Бу билет! Ўзбекистонга! Ишдан жавоб олдим, индинга ҳаммамиз бирга Ўзбекистонга учамиз!

Василиса Андреевна келганидан бери илк марта сокин ором олди. Унинг юрагига сўниб бораётган илинж яна кўртак ота бошлаган эди...

2017-yil 1-sentabr, № 70 (9031)

Курсантлар қасамёд қилди

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги вакиллари, олий ҳарбий таълим муассасаси шахсий таркиби, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Мамлакатимизнинг ушбу нуфузли олий ҳарбий таълим муассасасига кириб ўқишдек эзгу орзуси ушалиб, Ватанга садоқати ҳақида тантанали қасамёд қилаётган йигитлар ота-оналарининг ҳам қувончи чексиз. Жумладан, бу қувонч туйғусини Жиззах шаҳридан меҳнат фахрийси Тоштемур Раҳмонқулов шундай ифодалади:

— Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги нишонланаётган бугунги кунда оиламиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Бугун қасамёд қилаётган йигитлар сафида набирам Рустамжон



ҳам борлигидан фахрландим. Унинг Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашдек шарафли касбни танлаганидан хурсандман. Ёшларимиз қалбига эл-юрт тинчлигини асраш масъулияти мустаҳкам экан, эртამиздан биз, ота-оналарнинг кўнгли тўқ.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимидан сўнг дав-

лат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ҳарбий таълим муассасаси офицер ва ўқитувчилари, ота-оналар курсантларни табриклаб, ёшларга ҳарбий касб сирларини пухта эгаллашида муваффақият тилади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири
Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎЗА)
олган сурат.

Vatan himoyasi – muqaddas burch

Ватанга содиқлик аҳди

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида бошланаётган янги ўқув йилида ўқишга қабул қилинган курсантларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

Тадбирда олий ҳарбий таълим муассасаси шахсий таркиби, курсантлар ва уларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари Д.Муратов, олий ҳарбий таълим муассасаси бошлиғи Ш.Мамажонов, Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Э.Даминов ва бошқалар Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳа учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада муҳим вазифалар, чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти миллий армиямиз учун замонавий ҳарбий билим ва кўник-

маларни пухта эгаллаган офицерлар тайёрловчи муассасалардан бири. Бу ерда курсантларнинг ҳарбий кўникмаларни пухта ўзлаштириши, стратегик фикрлайдиган мутахас-



Алишер ИСРОИЛОВ
(ЎЗА) олган сурат.

сис-кадрлар бўлиб етишиши учун барча шароит мавжуд. Ҳар йили олий ҳарбий таълим муассасасини битирган ёшлар Қуролли Кучла-

римиз сафида хизматни бошлаб, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ҳарбий бўлиш мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ қатъий мақсадга айланган эди, — дейди курсант Шохжаҳон Каримов. — Шу мақсад йўлида жисмо-

ятли ўтиб, бугун курсант сифатида ҳарбий қасамёд қилганимдан хурсандман. Бу ерда ҳарбий билим ва кўникмаларни ўрганиб, ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлишни ўзим учун олий мақсад деб биламан.

Тадбир давомида курсантларнинг кўرғазмали чиқиши, ҳарбий оркестр ва шаҳар ма-



ЭГИЗАКЛАРГА «ЭГИЗАК» МЕДАЛЬ

Италиянинг Пезаро шаҳрида бадий гимнастика бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатида россиялик Арина Аверина олтин медалга сазовор бўлди.



«ТАСС»-да ёзилишича, у мазкур ютуққа копток билан машқ бажариш шартида эришган. Арина тўп ўйнатиш бўйича 18,950 балл жамғарган ва эгизаги Дина Аверинани (18,700) биров ортада қолдирди. Учинчи ўрин болгариялик Невьяна Владинова (17,950)-га nasib қилди.

Бироз олдин халқа айлантириш бўйича Дина Аверина олтин, Арина Аверина кумуш медални кўлга киритганди.

19 яшар эгизаклар жаҳон чемпионатида илк бора қатнашмоқда. Улар уч қарра Европа чемпиони бўлган.

КОУТИНЬО «БАРСА»ГА ЎТМОҚДА

«Барселона» клуби трансфер ойнаси ёпилгунга қадар бразилиялик ярим ҳимоячи Филиппе Коутиньони «Ливерпуль»-дан 160 миллион еврога сотиб олгани ҳақида «Уаһоо» порталида хабар берилди.

Коутиньо айна пайтида Бразилия терма жамоаси базасида бўлиб турибди. Американинг «Fenway Sports Group» компанияси тарқатган хабарга қўра, футболчининг «Барселона»-га кўчи ўтиши масаласи ҳал қилинган.

Хабарингиз бор, бироз олдин футболчи мерсисайдликларнинг Европа чемпионолар лигаси учун тақдим этган рўйхатида киритилмади. Қолаверса, Англия чемпионатининг ортада қолган учта тур баҳсларининг бирортасида ҳам майдонга тушмади.

ФЕДЕРАТЕР ВА 70-РАҚАМ

Швейцариялик Рожер Федерер теннис бўйича АҚШда давом этаётган мамлакат очик чемпионати (US Open)да америкалик Фрэнсис Тиафони маглубиятга учратди.



«ТАСС»-да келтирилишича, Нью-Йорк шаҳрида ўтказилаётган, умумий ютуқ жамғармаси 50,4 миллион долларга тенг мусобақада 36 ёшли Рожер АТР рейтингда 70-ўринда турган рақиб билан 2 соат 40 дақиқа давомида куч синашди ва 4:6, 6:2, 6:1, 1:6, 6:4 ҳисобида устун келди.

Энди Р.Федерер навбатдаги баҳсда россиялик Михаил Южний ва словениялик Блаже Кавчич қарама-қаршилиги голибини кортта чорлайди.

«US Open» 10 сентябрга қадар давом этади.

ЮТУҚ ЖАМҒАРМАСИ — 1 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Халқаро шахмат федерацияси раҳбари (FIDE) Кирсан Илюмжинов матбуот анжумани чоғида жаҳон кубогининг умумий ютуқ жамғармаси 1 миллион долларга етганини тасдиқлади.

ТАСС-да қайд этилишича, Илюмжинов тадбирда «Мусобақанинг ютуқ жамғармаси қарийб миллион долларни ташкил этади», дея таъкидлаган.

Шахмат бўйича жаҳон кубоги мусобақаси 2—28 сентябрда Тбилиси шаҳрида ўтказилади. Унда илк маротаба дунёнинг амалдаги энг кучли шахматчиси — норвегиялик Магнус Карлсен қатнашади. Жаҳон кубоги соҳibi ва иккинчи ўрин соҳibi 2018 йили ўтказиладиган тож давьогарлари турнирида қатнашади.

МАКГРЕГОРГА АНТИКА ТАКЛИФ

Америкалик таниқли сузувчи, 23 қарра олимпиада чемпиони Майкл Фелпс ирландиялик аралаш жанг устаси Конор Макгрегорни мусобақага чорлагани ҳақида Европа нашрлари хабар тарқатди.

Албатта, мазкур истеҳзонома таклиф рингда эмас, сув ҳавзасида кечадиган «кураш» билан боғлиқ, 32 ёшли спортчи «Twitter»-даги саҳифасида Конорга: «Кел, сузиш бўйича куч синашамиз?» дея мурожаат қилган. Сўнгра Фелпс мазкур мусобақага доир афишани ҳам ижтимоий тармоқда жойлаган.

Хабарингиз бор, 27 август кuni К.Макгрегор америкалик Флойд Майўзээр билан бокс тушди ва 100 миллион доллар ишлади.

З.ХОЛОВ тайёрлади.



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Мухтарам юртдошлар!

Барчангизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
26 йиллик байрами ҳамда муборак Қурбон ҳайити билан самимий қутлаймиз!

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
2017 йилдан бошлаб "Шарқ юлдузи", "Ёшлик", "Жаҳон адабиёти"
журналлари ҳамда "Китоб дунёси" газетаси кутубхонаси
руқнида ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини нашр
этишни бошлади. Сизга тақдим этилаётган ушбу нодир асарлар
қалбингизга нур ва оилангизга маърифат олиб киради, деб ишонамиз.



Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри,
Лабзак кўчаси, 86-уй. Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-48-82,
(+99893) 791-00-70, (+99890) 331-32-00. www.ggllit.uz, e-mail: info@ggllit.uz.

Махсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-915. Tiraj 33688.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriga
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 00.35 Topshirildi — 01.30

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.